

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

2-МЖ-12 гуруҳ талабаси

Неъматжонов Абдулахад Абдумутал ўғли
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш
корхоналарини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти
(Наманган вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мисолида)

Илмий раҳбар:

Т.Дадабоев

Наманган-2016

Аннотация

Абдулбоситов Мирзоҳид Абдулҳоди ўғлининг Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти (Наманган вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишида Мамлакатимизда Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш буйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳаларини модернизация қилиш зарурияти ва назарий асослари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларининг тавсифи, Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва боғдорчилик соҳасида ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлашни жихатлари ёритилиб берилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етиштириш ва уни қайта ишлашни ривожлантиришнинг иқтисодий таҳлили, Наманган вилоятининг ижтимоий иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили ва Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили қилинган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сотиш ва ривожлантириш истиқболлари, Ўзбекистонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қайта ишлаш саноатини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

Хулоса қисмида мавзуга оид фикрлар умумлаштирилган ва тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

КИРИШ

Мавзусининг долзарблиги. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқаҳолининг озиқ-овқатмаҳсулотларига, саноат тармоқларининг хомашёга булган талабини кондиради. Шу боис иқтисодий ислохотларнинг бошиданок аграр сиёсатимизнинг асосий вазифаси сифатида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, пахта яккахоким лигидан возкечиш, озиқ-овқатмаҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалигида қайта ишлаш саноати мажмуасини шакллантириш кабилар белгилаб олинди ва бу борада кўплаб ютук ларга эришилди.

Бугунги жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнида ҳар бир мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бу – мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ҳамда унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир. Чунки экспорт салоҳиятини юксалтириш нафақат муайян бир мамлакатнинг, балки ҳар бир ташқи иқтисодий фаолият субъектининг ҳам туб манфаатларини кўзда тутуди.

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб замирида мамлакат ободлиги, халқимиз турмуш шароитининг янада яхшиланиши ва инсон манфаатлари мужассамдир. Республикамиз иқтисодиётида эса қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим ўрин тутуди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг таъкидлаганларидек: “...мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли ўтган йили мўл ҳосил етиштирилди – 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилди.

Таъкидлаш керакки, бундай мўл ҳосил асосан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш эвазига таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл кўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт

қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда”¹.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади соҳани барқарор ривожлантиришга қаратилган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мумкин. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга бир қатор омиллар таъсир кўрсатади, уларни ўрганмасдан ва таҳлил қилмасдан туриб, ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаб бўлмайди. Йиллар тажрибаси шуни кўрсатади-ки, қишлоқ хўжалигидаги асосий масалалар ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ бўлиб, бу муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши соҳани янада барқарор ривожланишига олиб келади.

Умуман олганда, 2015 йилда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиши борасида амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар ҳамда деҳқон ва фермерларнинг фидокорона меҳнати натижасида далаларимиздан 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилди. Бошқа турдаги экинлардан ҳам мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга эришилди. Буларнинг барчаси пировардида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг суръатини 2014 йилга нисбатан қарийб 7 фоизга ўсишини таъминлади.

Юқоридаги ҳолатлар диплом иши мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштиришни ривожлантириш масалаларида аграр иқтисодчи олимлардан С.Н.Усмонов, Р.Х.Хусанов, Н.С.Хушматов, Т.Х.Фармонов, А.М.Қодиров, Ч.Муродов, О.Жумаев, М.Собиров, Х.С.Хушвақтова, Қ.Ҳасанжонов, К.Чориев, А.Абдуғаниев, Э.Акрамов, А.Жўраев, А. Шокиров, Ш.Х.Мўминовлар илмий изланишлар олиб боришган.

Шу билан бир қаторда юқоридаги муаллифларнинг илмий ишлари турли даврларда бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Диплом ишининг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида Наманган вилоятида Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштиришни, уни қайта ишлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда Диплом ишида куйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал қилинди:

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

-қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларининг ўрганиш;

-қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари кўриб чиқиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлашни жихатлари ўрганиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг назарий асослари ашлаш;

-Наманган вилоятининг ижтимоий иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлил қилиш;

-Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили;

-Ўзбекистонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортини анализ қилиш;

-Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қайта ишлаш саноатини ривожлантиришни масалаларини кўриш;

-Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилган ва ривожлантириш истиқболлари аниқлаб улар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диплом ишининг объекти сифатида Наманган вилояти қишлоқ хўжаликлари ва қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари белгиланган.

Диплом ишининг предмети сифатида **Наманган вилояти Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий иқтисодий муносабатлар мажмуи танланди.**

Диплом ишининг услубий ва назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакат модернизациялаштириш сиёсатига оид асарлари, Қишлоқ хўжалиги инфиратузилмасини ривожлантиришига бағишланган хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари ташкил этади.

Битирув малака иши бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Сатистика Қумитаси, Наманган вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси, Статистика бошқармаси ҳисоботлари ҳамда таҳлиллар натижаларидан фойдаланилди.

Диплом ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда фермер хўжалигининг барқарор ривожланиши, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлашни ривожлантириш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш юзасидан ишлаб чиқилган ёндашувлардан Наманган вилояти иқтисодиётининг аграр соҳаларида маҳсулот етиштирувчи хўжаликларни ва қайта ишловчи корхоналарни истиқболда ривожлантириш

режаларини асослашда, Иқтисодиёт таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларга «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалигида менежмент», «Тадбиркорлик асослари», “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” фанларини ўқитишда, ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан мазкур масалага оид дастурий ҳужжат ва амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Диплом ишининг таркиби Битирув малака иши Қириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган.

I-БОБ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳаларини модернизация қилиш зарурияти ва назарий асослари

1.1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларининг тавсифи

Президентимиз Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек “...мамлакатимиз **қишлоқ хўжалигида** ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли ўтган йили мўл ҳосил етиштирилди – 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилди.

Таъкидлаш керакки, бундай мўл ҳосил асосан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш эвазига таъминланди.

Мамлакатимизда буғдойдан гектаридан ўртача 55 центнер ҳосил олингани, айрим туманларда бу кўрсаткич 60-77 центнерни ташкил этгани, ҳеч шубҳасиз, фермерларимизнинг улкан ютуғидир.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.”².

Жорий йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоиздан иборат бўлишини таъминлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 8,2 фоиз, қишлоқ хўжалигида 6,1 фоизга ошириш, чакана савдо айланмасини 14 фоиз, хизматлар кўрсатиш ҳажмини 17,4 фоизга кўпайтириш вазифаси кўйилмоқда. Инфляция даражасини 5,5-6,5 фоиз доирасида сақлаб қолиш, аҳолининг реал даромадларини 9,5 фоизга, ўртача иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, солиқ имтиёзларини инобатга олган ҳолда, 15 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.

Республикаимизнинг аграр секторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Аввало, аграр сектордаги тадбиркорлик, юқорида айтганимиздек, маҳсулот етиштиришдан иборат. Маҳсулот етиштириш эса биргина меҳнат ва моддий ресурслар сарфи билан эмас, балки маълум даражада вақт бирлиги (ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, чорва молларининг маҳсулот берадиган даражага етиши), шу даврда бўладиган биологик жараён ҳамда

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

табий-иқлим шароитлари (хаво ва тупроқ харорати, намлиги) билан бевосита боғлиқ. Бу жараён эса маълум муддатни ва маълум шароитни талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, аграр секторда маҳсулот етиштириш мавсумийлик хусусиятига эга. Шу билан бирга, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш ҳам кўшимча вақтни талаб қилади. Демак, аграр сектордаги бундай ўзига хослик ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида учрамайди. Бу эса аграр секторда тадбиркорликка бошқача ёндашишни тақозо этади. Аграр секторнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, соҳада кичик бизнесни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган тавсия ва тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан биридир. 14

Айниқса ҳозирги кунда қишлоқ жойларда одамларни иш билан банд қилиш, уларни даромад манбалари билан таъминлаш кескин муаммо бўлиб турибди. Бу муаммо биринчи навбатда ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги билан боғлиқ муаммодир. Маълумки, қишлоқ жойларида йирик саноат комплексларини барпо этиш мураккаб ва улар қутилган самара бермайди. Бунинг учун аграр секторда тадбиркорлик, хусусан кичик бизнесни жадал ривожлантириш учун зарур барча шарт-шароитларни, кафолатларни яратиш, деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари ташкил қилиш орқали янги-янги иш жойларини яратиш мумкин бўлади. Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ушбу хўжалик юритиш шакллари ташкил қилиш ва ривожлантириш буйича барча шарт-шароитлар яратилди. Бунинг натижасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини-шакллантиришнинг учта йуналиши вужудга келди. Бунда, биринчидан, қишлоқ хўжалик корхоналарини ширкат хўжаликларига айлантириш ва уларда хўжалик юритишнинг ички механизмини такомиллаштириш орқали тадбиркорликни оила ёки ижара пудрати асосида ривожлантириш, иккинчидан, сурункасига зарар кўриб фаолият юритаётган йирик қишлоқ хўжалик корхоналари, шу жумладан, ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликларини ташкил этиш, учинчидан, фаолият юритаётган шахсий томорқа хўжаликларини қайта руйхатдан ўтказиш ҳамда оилаларга ер участкаларини бериш орқали деҳқон хўжаликларини ривожлантириш асосида тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Бундан ташқари, аграр секторда турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи, қайта ишловчи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш ҳамда ривожлантиришга ҳам кенг эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш бозор ва институционал ўзгаришларни янада чуқурлаштиришни, хизмат кўрсатиш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини устувор ривожланишини, шунингдек қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришни талаб этади. Шуларни ҳисобга олиб, ҳозирги кунда деккон ва фермер хўжаликларига хизмат 15 кўрсатиш учун мини-банклар, маъданли уғитларни сотиш пунктлари, ёқилги- мойлаш пунктлари, муқобил машина-трактор парклари,

сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, зооветеринария ёрдами кўрсатиш масканлари ва ахборотлар таъминоти марказлари ташкил этилмоқда. Бундай тадбиркорлик билан шуғулланаётган корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жойларнинг ўзида ортиқча йўқотишларсиз қайта ишлашда, ракобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларни ички ва ташқи бозорларга етказиб беришда ҳамда қишлоқларда мавжуд ортиқча ишчи кучларини иш жойлари билан таъминлашда ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуш даражасини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини уларнинг ўзига хос алоҳида хусусиятлари ва йуналишлари буйича қуйдагича классификациялаш мумкин

Дехқон ва фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш, уларни сотиш, яъни савдо- тижорат фаолияти билан ва бошқа субъектларга агротехник, технологик каби бир қатор масалаларда хизмат курсатиш билан шуғулланишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг классификацияси. Қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари Маҳсулот ишлаб чиқарувчи Тижорат билан шуғулланувчи Маҳсулотни қайта ишловчи Хизмат кўрсатувчи ва бошқалар. Шу билан бирга, кичик корхона ва цехлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш билан, аксарият микрофирмалар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хом ашё ёки тайёр холда сотиш билан, етарли малакага ва тажрибага эга мутахассислар томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига консалтинг, алоҳида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар яъни, молиявий маблағлар билан таъминлаш, техник, кимёвий, зооветеринария хизматлари ва бошқа фаолиятлар билан шуғулланишади. Ҳукуматимиз аграр соҳанинг барқарор ривожланиши учун катта кўмак бериб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ўз ичига қуйдаги асосий йўналишларни олади: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар аҳамиятини кучайтириш; уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш; деҳқон ва фермер хўжаликларига самарали фаолият олиб боришлари учун амалий ёрдам бериш; кичик ва хусусий бизнеснинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда қўллаб-қувватлаш; уларни аҳоли турмуш тарзини ошириш ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига айлантириш; истеъмол бозорларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш ва улгуржи савдо тизимини янада ривожлантириш; мамлакат ҳудудларида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажминини кўпайтириш ва экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш. Фермер хўжалиги ривожланган мамлакатларнинг узоқ даврли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, ракобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён эта олди. Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-

шароитлари яратилди, меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фермер хўжалиklarининг ташкил топиши аграр ислохотларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Фермер хўжалиklarининг ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик асосида олиб борилди. Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Ҳозирги вақтда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирмоқда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Фермерларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгаллик ҳиссиёти йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Энг асосийси – одамларимизнинг онги ва дунёқараши тубдан ўзгармоқда, бебаҳо бойлигимиз бўлган ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш учун масъулият туйғуси кучаймоқда. Мамлакатимизда фермер хўжалиklarини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилганлиги ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлиги алоҳида эътиборга молик. Республикада ташкил этилган “Микрокредитбанк” ҳамда бюджетдан ташқари фондлар, жумладан “Дехқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармаси”, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Иш билан кўмаклашиш жамғармаси» хусусий тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий воситаларидан бири бўлди. Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ўзларининг серкирра томонлари билан иқтисодий ислохотлар жараёнини тезлатишда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, уларни ривожлантириш бозор ислохотларини чуқурлаштириш давридаги муҳим омиллардан бири сифатида эътироф этиш лозим.

1.2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади соҳани барқарор ривожлантиришга қаратилган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мумкин. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга бир қатор омиллар таъсир кўрсатади, уларни ўрганмасдан ва таҳлил қилмасдан туриб, ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаб бўлмайди. Йиллар тажрибаси шуни кўрсатади-ки, қишлоқ хўжалигидаги асосий масалалар ижтимоий-иқтисодий муносабатлар

билан боғлиқ бўлиб, бу муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши соҳани янада барқарор ривожланишига олиб келади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни устувор йўналиш қилиб белгиланишининг омили сифатида соҳанинг Қашқадарё вилояти иқтисодиётидаги асосий ролини кўрсатиш мумкин. Қолаверса, вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг географик жойлашуви ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки бу иқтисодий фаолият натижаларини, асосий қисми қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган вилоят аҳолиси ўртасида тақсимлашда асосий вазифани бажаради. Бундан ташқари, қулай агроиклим шароитлари вилоятда пахта, дон, мева-сабзавот етиштириш ва йилига 2-3 марта ҳосил олиш имкониятини бериши мумкин. Қашқадарё вилояти аҳолиси даромадларининг асосий манбаи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ, шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

1 - р а с м

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар гуруҳи



Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятларидан оқилона ва самарали фойдаланиш аҳоли даромадларини ошириш, бандликни таъминлаш ва ишсизликни камайтириш жараёнлари билан боғлиқ муаммоларни ечишда долзарб аҳамият касб этади. Вилоят қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг хусусиятларига кўра, жуда катта миқдордаги маблағ талаб қилмайди, шунинг учун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг зарур чора-тадбирлари ва шарт-шароитлари кўриладиган бўлса, даромадлилик ва самарадорликнинг ўсишини кузатиш мумкин.

2. Дехқон хўжаликларини янада ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш. Вилоятларда дехқон хўжаликларининг экин майдонлари фермер хўжаликлари ерларига нисбатан кам, бироқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми улар ҳиссасига тўғри келади (2009 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий ҳажмида дехқон хўжаликларининг улуши 58,6 % ни ташкил этди). Дехқон хўжаликлари полиз маҳсулотлари, картошка, мева-сабзавотларнинг катта қисмини, чорва маҳсулотларининг эса деярли барчасини етиштирадilar. Дехқон хўжаликлари юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ҳам ишлаб чиқаради, шу жиҳатдан ҳам уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ошириш долзарб ҳисобланади. Шунинг учун:

3. ердан тўлиқ фойдаланмаётган хўжаликларнинг ерларига солиқ солишни ўрганиш; бунда хўжалик фойдаланилмаётган ердан воз кечади ва бўш ер эса дехқон хўжаликларига берилиш мумкин;

4. Республика ва маҳаллий ҳокимият органлари дехқон хўжаликларига селекция ишлари, ветеринария хизмати кўрсатиш, маркетинг ва маҳсулотларни сақлаш (бир хўжаликда самара бермайдиган соҳалар) бўйича дехқон хўжаликларининг, қолаверса йирик фермер хўжаликлар билан ҳамкорлигини ташкил этишда ёрдам бериши мумкин;

5. маҳаллий ҳокимият органларининг маҳсулдор ва зотдор чорва молларининг наслини яхшилашни такомиллаштиришдаги ёрдамлари ва бошқаларни амалга ошириш зарур бўлади.

3. Вилоят қишлоқ хўжалигидаги мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва самарадорлигини ошириш. Бу орқали меҳнат заҳираларини ҳудудларнинг хусусиятлари бўйича бандлигини таъминлаш, ер ва сув заҳираларидан тўғри фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, лалмикор ҳудудларда тармоқ имкониятларидан интенсив фойдаланишга эришиш мумкин. Бунинг учун:

- сув сарфи бўйича интенсив технологияларни жорий қилиш;
- кам сув талаб қиладиган тармоқлар, масалан, чорвачилик, лалмикор ғаллачилик, боғдорчилик тармоқларини ривожлантиришни такомиллаштириш;
- тупроқни эрозиялардан ҳимоя қилиш, ер нурашига қарши агротехник тадбирларни амалга ошириш;

- ирригация ва мелиорация тизимини мустаҳкамлаш (бу 2008-2012 йилларга мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастурини амалда бажариш билан боғлиқ, 2009 йилда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш натижасида Республика бўйича 240 минг га дан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган, бунинг учун 130 млрд. сўм маблағ йўналтирилган);

4. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, минтақавий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш бозорларини шакллантириш. Бунда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг минтақавий ишлаб чиқариш омилларига кўра энг самарали бўлган худудларда жамланишига эришилади. Бунинг учун давлат шартномавий мажбуриятларини нарх белгилаш ва тақсимлашда бозор тамойилларига кўра амалга ошириш, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар берилишини бозор механизмлари орқали жорий қилиш ва шартномалар тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, вилоят қишлоқ хўжалигидаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали оқилона бандликни ташкил қилиш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш, иқтисодиётни жадал ривожлантиришни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда долзарб аҳамиятга эгадир.

1.3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлашни жихатлари

Президентимиз Ислом Каримовнинг таъкидлаганларидек: “...мамлакатимиз **қишлоқ хўжалигида** ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли ўтган йили мўл ҳосил етиштирилди – 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилди.

Таъкидлаш керакки, бундай мўл ҳосил асосан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш эвазига таъминланди.

Мамлакатимизда буғдойдан гектаридан ўртача 55 центнер ҳосил олингани, айрим туманларда бу кўрсаткич 60-77 центнерни ташкил этгани, ҳеч шубҳасиз, фермерларимизнинг улкан ютуғидир.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланди. Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта

ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда”³.

Мутахассислар ҳар бир киши йил давомида ўртача 56 килограмм мева, 22 килограмм узум истеъмол қилиши лозимлигини таъкидлашади. Айниқса, қуёшли юртимизда етиштирилаётган ва сифат жиҳатдан жаҳон бозорида доимо қадрланиб келган ана шундай сархил мева, узум, сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларидан етарлича истеъмол қилган ёш авлод соғлом, бақувват ўсишини тиббиёт ходимлари ҳам эътироф этишади.

Хўш, 30 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган республикаимизда аҳолининг эҳтиёжини қондирадиган миқдорда мева-чева етиштирилаяптими, деган савол туғилади.

Келинг, шу ўринда саволга ойдинлик киритиш учун айрим далилларга мурожаат қилсак: масалан, биргина ўтган йили республикаимизда 12 млн. тоннадан ортиқ сабзавот ва картошка, қарийб 2 млн. тонна полиз, 1 млн. 556 минг тонна узум, 2 млн. 700 минг тоннадан зиёд мева етиштирилди. Ана шу маҳсулотларни қайта ишлаш, уларни сақлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўтган йили маҳсулотларни қайта ишлайдиган 230 та корхона, салкам 80 минг тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилиб, замонавий технологиялар асосида модернизация қилинди.

Умуман, бугунги кунда мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етгани аҳолини қишда ҳам пишиқчилик пайтидагидек мева ҳамда сабзавот билан таъминлаш имконини яратди. 2020 йилга бориб эса шу турдаги маҳсулотлар етиштириш ҳажмининг ошиши уларни экспорт қилиш салмоғини кўпайтириш имконини беради.

Ҳозир мамлакатимизда 100 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксариятини кўп тармоқли субъектлар ташкил этади. Ўз хўжаликларига саноатни олиб кираётган ана шундай мулкдорларнинг саъй-ҳаракати билан кўплаб янги иш ўринлари яратилапти. Яна бир муҳим жиҳати, фермерлар бугун ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаш баробарида уни сақлаш, узоқ ва яқин хорижга экспорт қилиш билан ҳам шуғулланмоқда.

2015 йилда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 42,28 трлн сўмни ташкил этди

³ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

2015 йилда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 42,28 трлн сўмни ташкил этди. Бу 2014 йил билан таққослаганда, 6,8 фоизга кўпдир.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон 2015 йилда 25,085 трлн сўмлик деҳқончилик (+6,7 фоиз) 17,195 трлн сўмлик (+6,8 фоиз) чорвачилик маҳсулотлари етиштирган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликлари улуши 65,4 фоиз (2014 йилда – 65,1 фоиз), фермер хўжаликлари – 32,6 фоиз (32,9 фоиз), деҳқончилик фаолияти билан шуғулланувчи фирмалар улуши – 2,0 фоиз (2,0 фоиз)ни ташкил этган

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида деҳқончилик ҳиссаси 59,3 фоиз (2014 йили – 59,0 фоиз)ни ташкил этган. Ўтган йили жами 3695,1 минг гектар ерга экин экилган.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда нодавлат секторининг улуши 99,8% етди. 2008 йилда республикада 220 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатди, улар пахтаининг 84,7%ни, донининг 98,3 %ни ишлаб чиқаришга эришди. Аммо, фермер хўжаликлари мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришда жуда ҳам кичик улушни эгаллайди. Ваҳоланки, республикамиз сабзавот, узум ва қовуннинг юқори сифати, таъми билан ажралиб турадиган навларини етиштириш бўйича ноёб имкониятларга эга. Шу боис, пахта экиладиган майдонларни қисқартириш ҳисобига мева-сабзавот, полиз экинлари майдонларини кенайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалиги техникасидан самарали фойдаланиш мақсадида минтақаларда 200 дан ортиқ машина-трактор парклари (МТП) ташкил этилди. МТПларда қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлайдиган катта қувватлар ишга туширилмоқда.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг бозор механизмлари жорий этилди, сувдан фойдаланишнинг ҳавза бошқариш услубига ўтилди, сувдан фойдаланишнинг мутлқо янги инфратаркиби яратилди.

Республикада олиб борилаётган аграр сиёсат натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғурталаш, аванслаш ва тўлов муносабатлари такомиллаштирилмоқда.

Ўтказилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзда тутилган бош мақсад қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини, ер ва маҳсулотнинг ҳақиқий эгаларини шакллантиришдир. Қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш асосий масалалардан ҳисобланади.

Илғор мамлакатлар тажрибасига кўра, қишлоқ хўжалигининг юқори даражада ривожланиши аввало саноат ривожини билан боғлиқдир. Маълумки, АҚШ ҳамда Европанинг бир қатор ривожланган мамлакатларида аҳолининг 4-5 фоизини ташкил этадиган, замонавий техника ва технологияга эга бўлган фермер хўжаликлари ўз халқини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўла таъминлаш билан бирга, уларнинг кўпини экспортга чиқарадилар. Ҳозирги вақтда республикамиз халқ хўжалигида иш билан банд бўлган 3,8 млн.

аҳолининг салкам ярми ҳамон қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилмоқда. Келажакда ана шу ортиқча меҳнат ресурсларини саноатга, хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этиш иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлиб қолиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсишига қарамай, уларни қайта ишлаш ҳажми секинлик билан ривожланмоқда. Сўнги йилларда республикамиз бўйича меваларни қайта ишлаш даражаси 13,5 %ни ташкил этган бўлса, Самарқанд вилоятида 25,6%, Қашқадарё вилоятида 24,3% , Жиззах вилоятида 43,7%га етган. Аммо Қорақолпоғистон Республикаси, Сирдарё, Хоразм ва Навойи вилоятларида бу кўрсаткич жуда паст бўлиб, 3-4 %ни ташкил этган, халос.

Узумни қайта ишлаш республика бўйича 9%ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич Тошкент вилоятида 42,1%, Жиззах, Фарғона, Наманган вилоятларида ўртача республика ҳолатига яқин бўлган. Аммо, Қорақолпоғистон Республикаси, Навойи, Жиззах вилоятлари узумни қайта ишлаш ҳолати жуда паст бўлган.

Қишлоқ хўжалигида ривожланишнинг навбатдаги босқичида “маҳсулот етиштириш — қайта ишлаш — сотиш” учлик бирлиги занжирини ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ жойларида маҳсулотларни замонавий техника ва технология асосида қайта ишлайдиган саноат корхоналари қуриш, эскирени янги техника ва технология асосида модернизация қилишни жадаллаштиришни тақоза қилди. Бу қишлоқ хўжалиги билан қайта ишловчи саноатнинг уйғунлашувини таъминлайди. Бу муаммони хал этиш учун катта молиявий ресурслар талаб этилади. Назаримизда бундай маблағларни хорижий мамлакатлардан, халқаро молиявий ташкилотлардан қарз олиш йўли билан ҳал қилиш мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, ривожланган мамлакатларда ҳам қишлоқ хўжалиги доимо давлат кредитига муҳтож.

Шундай қилиб, янги иқтисодий шароитда қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий технологияга асосланган корхоналар тизимини ривожлантириш, шу жумладан агрофирмалар сонини кўпайтириш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш ҳисобланади. Турли мулк шаклидаги бундай корхоналарни барпо қилиш, аҳоли бандлиги ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлайди.

Маҳсулот етиштирувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш, уларга ўзлари етиштирган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш мақсадида мамлакатимизда жорий йилдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро ярмаркалари ташкил этилади. Уларда кейинги йил учун экспорт шартномалари тузилади. Ҳамкорларимиз мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш, соҳани ривожлантиришда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган тадбирлар билан яқиндан танишади. Мулк эгалари илм-фан соҳасидаги янгиликлар, илғор хўжаликлар тажрибаларини ўрганиш, хорижий шерикларнинг маҳсулот сифатига, ташки кўринишига, кадоқлаш

технологияларига, кимёвий таркибига қўядиган талабларини аниқ-тиник билиш имконига эга бўлади.

Давлатимиз томонидан берилаётган бундай имкониятлар деҳқон ва фермерлар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Улар маҳсулотни экспортбоп қилиб етиштириши, бунинг учун турли касаллик ва зараркунандаларга қарши ўз вақтида чора кўриши зарур.

Маълумки, мева-сабзавотларни сотиб олаётган мамлакат уларни махсус текширувдан ўтказди. Нотўғри парвариш маҳсулотнинг ташқи кўринишида акс этмаса-да, лаборатория текширувида кимёвий таркибида аён бўлади. Шу боис экспортга чиқариладиган маҳсулотлар касалланмаган, экологик тоза бўлиши керак. Вазирлигимиз бу борадаги халқаро талаблар бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Деҳқон ва фермерларга зарур дори воситалари, агротехникалар етказиб берилмоқда. Касаллик ва зараркунандалар таъсирининг олди олиниб, ҳосилдорлик ошишига эришилмоқда.

Экспертларнинг қайд этишича, юртимизда етиштирилган мева-сабзавотлар табиий шакар, амина ва органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озик-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтакаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли даражада юқори туради. Президентимизнинг мазкур қарори фермер ва деҳқон хўжаликлари, тадбиркорлик субъектларига янги имкониятлар яратиши билан бирга, жаҳон бозорида Ўзбекистон брендининг шуҳрати янада ошишида муҳим ўрин тутди. Ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз яқин йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни экспорт қилишда дунёнинг энг илғор мамлакатларидан бирига айланади.

1.4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг назарий асослари

Ўзбекистон иқтисодиётининг аграсаноати мажмуида иқтисодий муносабатлар тизимини ислох тубдан қилиш шароитида бозор муҳитидаги ўзгаришларга тезроқ мослашадиган янги бошқарув тизимларини барпо этиш билан бирга корхоналарда бозорни бошқариш дастаклари ва усулларини самарали ўзлаштиришини таъминлаш кейинги йилларда республикамизда рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлардаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устивор лойиҳалар амалга оширилаётган шароитда аҳолининг 60 фоиздан кўпроқ аҳоли қишлоқ жойларда яшаши ва аграр тармоқда 23 фоиз меҳнар ресурсларининг банд бўлиши тармоқда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи соҳага кирувчи тармоқларни ривожлантириш республика иқтисодиёти учун жуда зарур. Мамалакатда амалга оширилган ислохотларга қарамасдан қишлоқ жойлардаги аҳолининг маҳсулотларини сотиб оладиган ва улар учун керакли товарларни етказиб берадиган тизим етарли даражада ривожланмаган.

Президенти И.Каримов табирлари билан айтганда “.....ҳалигача қишлоқда бир томондан, фермерлар ва деҳқонлар етиштирадиган маҳсулотларни шартномавий нархларда сотиб оладиган иккинчи томондан, қишлоқ аҳолисига зарур товарлар, асбоб-ускуна ва материаллар етказиб берадиган инфратузилма тармоғи яратилмаган⁴”лиги натижасида ёки мавжудларининг самарали ишламаслиги тармоқнинг самарадорлигига салбий таъсир этади. Етиштирилган маҳсулотларнинг бир қисмининг нобуд бўлишига олиб келади. Маҳсулотнинг ўз вақтида сотилмасдан қолган иккинчи бир қисми эса анъанавий усулларда қуритилади, консервация қилинади. Бу маҳсулотлар асосан оила мақсадлари учун ишлатилади ва қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган оилаларнинг даромадининг қисман кам бўлишига сабаб бўлади.

Бу борада айниқса, вино, шарбатлар, мева, сабзавот консервалари, гўшт ва сут маҳсулотларидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантириш асосий йўналишлар сифатида қаралиши ҳамда уларни айта ишлаш тармоқлари технологик модернизация қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигида қайта ишлаш соҳаларини технологик модернизация қилиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар моддий техник базасини замонавийлаштириш ҳамда қайта ишлаш усул ва услубларини заман талаблари даражасига етказиш тушунилиб, бунда жаҳон базоридаги рақобат курашида бардош бера оладиган юқори самарадорликка эга бўлган замонавий усул ва услублар асос қилиб олинади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида модернизация қилиш моҳияти ва унинг омилларини аниқлаштириш зарурияти туғилади. Иқтисодий адабиётларда аграр ишлаб чиқаришни қайта ишлаш соҳаларини технологик модернизация қилишнинг моҳияти маҳсулот бирлиги ҳисобида ишлаб чиқариш харажатларининг даражаси асосида аниқланиши қайд этилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга қуйидаги бир нечта омиллар таъсир кўрсатиб, уларни 2 та йирик гуруҳга ажратиш мумкин. Жумладан ижтимоий – иқтисодий ҳамда ташкилий-ҳуқуқий омиллардир (2-расм).

⁴ I.A.Karimov “Erishilgan marralarimizni mustahkamlab, islohotlar yo’lidan izchil borish – asosiy vazifamiz”// Xalq so’zi 2004 y. 10 fevral.



2-расм. Қайта ишлаш тизимини технолик модернизация қилишга таъсир этувчи омиллар

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сонининг ошиши қайта ишлаш соҳасини технолик модернизация қилишга тадбиркорларни ундамайди, сабаби меҳнат ресурслари ўртасида рақобат муҳитининг мавжудлиги кам ойлик маошга ҳам ишлашга тайёр ишчилар билан таъминлайди. Натижада тадбиркор замонавий, ҳам ҳаражатли, меҳнат унумдорлиги юқори ва ҳам меҳнат кучи сарфланадиган техника технологияни жорий қилишдан кўра арзон ишчини ишлатишдан манфаатдор бўлади. Қайта ишлаш тармоғида банд бўлган ишчиларнинг юқори малакага эга бўлиши технологияларни жалб қилишда ҳаражатларни камайтирса, аксинча кадрлар малакасининг пастлиги уларни замонавий технологиядан фойдаланиш учун малака ошириш ҳаражатларини ҳам келтириб чиқаради, бу эса тадбиркорни технолик модернизация қилиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Иқтисодиёт тармоқларида қайта ишловчи рақобатдош субъектнинг пайдо бўлиши натижасида, рақобат кураши технолик модернизация қилишга мажбур қилса, ҳудуднинг ривожланиш даражаси (инфратузилма

объектлари ривож, электр, йўл, таъмирлаш ва бошқа соҳалар) модернизациялаш жараёнига тўғридан - тўғри тасир кўрсатади.

Кредитлаш тизимининг ривожланиши, имтиёзли кредит линиялари очилиши, кредитлаш тизимининг соддалаштирилиши ҳар қандай мулк эгасини замонавий техника билан қуроланиши учун замин яратиб беради, ҳамда технологик модернизациялаш жараёнини тезлаштиришига хизмат қилади.

Солиқ имтиёзлари капитал эгаларини рағбатлантирувчи механизм бўлиб, ундан самарали фойдалаган ҳолда қайта ишлаш соҳасини модернизация қилишга ва даромад манбаини кўпайтиришга ундайди.

Қишлоқ хўжалиги қайта ишлаш тармоқларида молиявий ҳолатининг заифлиги соҳани технологик модернизация қилишга салбий таъсир кўрсатиши, инвестицияларнинг киритилиши уларни фаол бўлишини рағбатлантиради ва қайта ишлаш соҳаси замон талаблари даражасида ривожланади.

Қишлоқ хўжалиги табиий шароитларга боғлиқлиги сабабли қайта ишлаш соҳаларини ҳом ашё билан таъминлаш масаласида мавсумийлик характеридаги фаолият олиб боради, баъзи ҳолларда даромад йилда бир марта амалга оширилиб капиталнинг ликвидлигини камайтиради. Бундай шароитда давлатнинг дотация ва субсидялари ёрдамида тармоқни технологик модернизация қилиш имконияти пайдо бўлади яъни модернизациялаш жараёни давлатнинг қўллаб қувватлаш дастурларига боғлиқ ҳолда ривожланади.

Қайта ишлаш тармоғини технологик модернизация қилишга таъсир этадиган омиллардан яна бири бу ҳуқуқий мёрий асослар бўлиб, ҳар қандай фаолиятнинг қонун билан ҳимоя қилинганлиги ва қонуннинг амал қилиш механизми ишлаб чиқилганлигига бевосита бўғлиқ. Капитал эгаси қонун билан ҳимоя қилинмаган фаолиятдан ҳавфсираган ҳолда фаолият қилишдан манфаатдор эмас.

Қайта ишлаш соҳаларининг ривожланишига, уларнинг технологик модернизация қилиш жараёнига маҳсулот етиштирувчилар билан муносабатлари бевосита таъсир кўрсатиб, маҳсулот етиштирувчилар ва қайта ишлаш тармоғи маъсуляти ва мажбуриятларини қай даражада бажаришига, ўзаро ишончга боғлиқ бўлиб қолади. Замонавий технологиялар билан қуролланган аммо, ҳом ашё билан ўз вақтида таъминланмаган кархонада самарадорлик паст бўлиб, технологияларни ривожлантиришдан манфаатдорликни ҳис қилмайдилар. Ва аксинча маҳсулот етиштирувчиларнинг ўз вақтида ҳом ашё билан таъминлаши, фойдани максималлаштириш мақсадида замонвий технологияларни жалб қилишга ундайдиган омил саналади.

Мамлакатда яратилган инновацион муҳит замонавий, янгиликларнинг, ихтироларнинг яратилишини молиялаштириш ҳолати қайта ишлаш соҳаларига ҳам бевосита таъсир кўрсатиб, мамлакат ҳудудидаги инновацион лойиҳаларни молиялаштириш орқали технологик модернизациялаш имкониятини пайдо қилади.

Жумладан узумни қайта ишлаш соҳасида моддий техник базасини ҳамда технологияларини модернизация қилиш замон талаблари даражасида узумчилик маҳсулотларини (вино, ароқ, каняк...) ишлаб чиқаришни, уларнинг ички талаб ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишни таъмин этади.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишловчи соҳалар қуйидагилардан иборат бўлиб, ҳар бирининг ривожланиш даражаси, моддий техник базаси, технологик модернизация қилиш тажриба ва амалий қадамлари ҳамда ҳар бирига яратиб берилган имкониятлар турличадир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар қуйидагилардан иборат:

- пахта тозлаш заводлари;
- консерва заводлари (балиқ, гўшт);
- пиллани қайта ишлаш фабрикалари;
- сут ва гўштни қайта ишлаш корхоналари;
- Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари;
- мава шарбатлари, вино, коняк каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи заводлар;
- жунни, каношни қайта ишлаш корхоналари;
- шакар ишлаб чиқарувчи корхоналар;
- тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари;
- озиқ-овқат саноати;
- терини қайта ишлаш корхоналари;
- ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари;
- пахтадан трикатаж маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва бошқалар кирради.

Мамлакатимиз шароитида узум маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш технологиялари базаси яратилган бўлиб, экспорт имкониятлари кенглиги, тармоқда таъсир этувчи барча омиллардан самарали фойдаланган ҳолда маҳсулотни диверсификация қилиш имкониятлари яратилган.

Аммо бугунги кунда узум ва узумчилик маҳсулотларини фақатгина МДХ мамлакатларига экспорт қилинаётганлиги, мавжуд узум боғларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг 30-40 % товарлилик даражасини йўқолиб бораётганлиги, соҳада замонавий технологиялар ёрдамида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда барча узум маҳсулотини қайта ишлашни йўлга қўйиш талаб этилади.

Хулоса қилиб, айтганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини технологик модернизация қилиш жараёни иқтисодий тузулмалар ўзгаришининг жадал кечаётган ҳозирги шароитда муҳим амалий масала ҳисобланиб, бундай фаолиятларни давлат қўллаб қувватлаш дастаклари ёрдамида амалга ошириш, технологик модернизация қилиш жараёнига таъсир этадиган омилларнинг бирортасига таъсир этиш орқали замин яратиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалиги корхоналарида пахтачилик ҳамда узумчилик соҳасини иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда сифатли маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш жараёнларида шаклланаётган ташкилий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, моддий техник базасини юксалтириш масаласини асосий вазифалар қаторига олиб чиқиш долзарб вазифадир.

П-Боб. Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етиштириш ва уни қайта ишлашни ривожлантиришнинг иқтисодий таҳлили

2.1. Наманган вилоятининг ижтимоий иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили

Наманган вилояти 1941 йилнинг 6 мартда ташкил топган. Вилоят Фарғона водийсининг шимоли-ғарбий қисмидаги Чотқол ва Курама тоғ тизмалари олдида жойлашган. Вилоят шимол ва шимоли-шарқдан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, шимоли-ғарб ва ғарбда Тошкент вилояти ва Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилояти, жануб ва жанубий-шарқда Фарғона ҳамда Андижон вилоятлари билан чегарадош.

Наманган вилояти рельефи асосан текислик-тоғ минтақалилик характериға эға. Ер юзаси шимолдан жанубға ва ғарбдан шарққа томон пасайиб боради. Денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 350-880 м.

Иқлими кескин континентал бўлиб, жанубий, яъни текислик минтақасида чўл-субтропик иқлимға мансуб. Ёз ойларида ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб, қуруқ ва иссиқ бўлади. Тоғ ва тоғолди зоналарида эса ҳаво салқин, намлиги юқори бўлиб, бу жойларда кўплаб дам олиш масканлари жойлашган. Бу ҳудудлар иссиқ минерал булоқларға бой. Айниқса, Чортоқ, Шаҳанд, Косонсой, Учқўрғон сувлари шифобахшлиги билан шуҳрат қозонган.

Вилоятнинг умумий майдони 7,44 минг кв. км, доимий аҳолиси 2603,4 минг киши шундан шаҳарда 1641,9 минг киши, қишлоқда 961,5 минг киши истиқомат қилмоқда.

Вилоят маркази Наманган шаҳри бўлиб, унда аҳоли сони 493,3 минг кишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2015 йил 16 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида белгилаб берилган «2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари» бўйича вазифаларни амалға оширилиши, шунингдек, Ҳукумат томонидан қабул қилинган тармоқ дастурлари ва қарорларида белгиланган параметрларни вилоятда ижросини таъминланиши ҳисобига 2015 йил якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Хусусан, иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини амалға ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлашға қаратилган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг (ЯҲМ) суръати

8,7 фоизға, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 14,0 фоизға, қишлоқ хўжалиги 5,9 фоизға, капитал қўйилмалар 5,9 фоизға, қурилиш ишлари 11, 1 фоиз,

чакана савдо айланмаси 12,9 фоиз ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 13,2 фоизга ўсиши таъминланди.

Хусусан, иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг (ЯҲМ) ўсиш суръати 8,7 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 14,0 фоизга, қишлоқ хўжалиги 5,9 фоизга, капитал қўйилмалар 5,9 фоизга, қурилиш ишлари 11,1 фоиз, чакана савдо айланмаси 12,9 фоиз ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 13,2 фоизга ўсиши таъминланди.

Вилоятда 2015 йилнинг январ-сентябр ойлари якуни билан 3200 дан зиёд фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан ҳисобот даврида 2685,2 млрд.сўмлик (114,0%) саноат маҳсулотлари, 1779,9 млрд.сўм (119,4%) халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, прогноз (112,5% ва 114,0%) параметрлари тўлиқ таъминланди. (2.1.1-жадвал)

Вилоятда иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида энг аввало юқори салмоққа эга енгил саноат, озиқ-овқат, машинасозлик, фармацевтика ва қолган саноат тармоқларини жадал ривожлантириш дастурлари бўйича катор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳудудлар бўйича кўрилганда, Наманган шаҳри (120,5%), Косонсой (116,2%), Норин тумани (102,5%) ҳамда Тўрақўрғон (112,1%) туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиш тенденцияси 115,1 фоиздан 121,6 фоизгача, Уйчи (109,7%) ва Янгиқўрғон (108,6%) туманларида ўртача ўсиш тенденцияси кузатилди. (2.1.3-жадвал)

Шу даврда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 1041,2 минг сўм ва аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 690,2 минг сўмни ташкил этиб, 2014 йилнинг шу даврига нисбатан мос ҳолатда 264,3 минг сўм ва 213,7 минг сўмга кўп бўлди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда туманларнинг улуши бўйича кўрилганда, энг юқори улуши Наманган шаҳрига (45,8%), Наманган туманига (6,3%), Тўрақўрғон (5,2%) ва Учқўрғон туманига (7,9%) тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 28 январдаги 8-сонли баёни топшириғига асосан ишлаб чиқилган Наманган вилоятини “2013-2015 йилларда саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастури” доирасида 2015 йилда умумий қиймати 226,0 млрд.сўмлик 314 та лойиҳаларни амалга ошириш ва натижада 8695 та янги иш ўринларини ташкил этиш режалаштирилган.

Амалга оширилиши белгиланган лойиҳаларни тармоқлар кесимида кўрилганда, енгил саноат йўналишида 279,1 млрд.сўмлик 85 та лойиҳа (6532

та иш ўрни), озиқ-овқат йўналишида 23,0 млрд.сўмлик 49 та лойиҳа (562 та), қурилиш материаллари саноатида 50,9 млрд.сўмлик 58 та лойиҳа (1293 та), чармпойабзал йўналишида 25,0 млн.сўмлик 1 та лойиҳа (2 та), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳасида 8,2 млрд.сўмлик 9 та лойиҳа (163 та), мебел ва қоғоз саноатида 4,9 млрд.сўмлик 18 та (158 та), кимё ва нефткимё соҳасида 30,8 млрд. сўмлик 19 та лойиҳа (1112 та) ҳамда фармацевтика саноатида 19,4 млрд. сўмлик 3 та (178 та) лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Амалга оширилган ишлар ҳисобига 314 та лойиҳалар ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиб, 8695 та янги иш ўринлари яратилди.

Фойдаланишга топширилган лойиҳаларга лойиҳа ташаббускорлари томонидан 74,5 млрд.сўм, 150,3 млрд.сўм банк кредит маблағлари ҳамда 3,5 млрд.сўмлик хорижий инвестиция маблағлари йўналтирилди.

Амалга оширилган лойиҳаларни тармоқлар кесимида кўрилганда енгил саноат йўналишида 140,5 млрд.сўмлик 109 та лойиҳа (6048 та иш ўрни), озиқ-овқат йўналишида 32,0 млрд.сўмлик 69 та лойиҳа (679 та), қурилиш материаллари саноатида 32,0 млрд.сўмлик 81 та (1387 та), чармпойабзали йўналишида 1,2 млрд.сўмлик 13 та (83 та), химия ва нефтхимия соҳасида 2,1 млрд.сўмлик 14 та (128 та), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳасида 6,9 млрд.сўмлик 12 та (182 та), мебел ва қоғоз саноатида 4,0 млрд.сўмлик 14 та (129 та) ҳамда фармацевтика йўналишида 9,5 млрд.сўмлик 2 та (59 та) лойиҳалар фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги “2015-2019 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2298-сонли қарорини вилоятда ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2015 йил 17 февралдаги 64-сонли қарори қабул қилиниб, дастурга асосан 2015 йилда жами 9 та ҳудудий тасарруфдаги корхоналарнинг 15 та лойиҳаси бўйича 16,2 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши белгилаб олинган эди.

Наманган шаҳридаги “Махсус метал саноат” МЧЖ (амортизатор ишлаб чиқариш лойиҳаси) ҳамда Наманган туманидаги “Unilever chemical” (автомобиллар учун антифриз, шампун ҳамда суюлтирилган ойна тозалаш воситаси ишлаб чиқариш лойиҳаси) корхоналари Махсус идоралараро комиссиясининг 2015 йил 3 декабрдаги 4-сонли йиғилиши қарорига асосан белгиланган тартибда маҳаллийлаштириш дастуридан чиқарилди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар кесимида кўрилганда;

Хусусан,

- Наманган шаҳридаги «Auto Plast Part» МЧЖда 164,4 минг комплект автомобил эҳтиёт қисмлари, «Нам лидер литё сервис» МЧЖда 2,0 минг дона 2 комфорли плита печлар, 26 дона люк қопқоқлари, 12105 дона нон қолиплари, «Namangan rezina plast» ШКда 17,1 минг кв.м конвеер ленталари ва "Намтерм" ШКда 30 дона шкаф "ШРУ-М";

- Косонсой туманидаги «Косонсой тўқимачи» МЧЖда 30,0 минг п.м. байка мато, 55,0 минг п.м одеял мато, 130,0 тонна синтетик трикотаж ип маҳсулотлари;

- Наманган туманидаги «Чина Наманган Индастрий» МЧЖда 160,0 тонна электрод маҳсулотлари;

- Уйчи туманидаги «Extra Primer Vat» МЧЖда 3820 дона автомобиллар учун аккумуляторлар каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб белгиланган прогноз

127,0 фоизга бажарилди.

Вилоятда 2015 йил давомида 1926,6 млрд.сўмлик капитал қўйилмалар шундан, 163,9 млрд.сўм бюджет маблағлари, 89,9 млрд.сўм бюджетдан ташқари фонд маблағлари, 440,0 млрд.сўм ҳукумат кафолатидаги хорижий инвестиция ва кредитлари, 346,5 млрд.сўм корхона ва ташкилот маблағлари, 211,5 млрд.сўм банк кредити маблағлари, 549,3 млрд.сўм аҳоли ва хусусий шахслар маблағлари ҳамда 125,5 млрд.сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши таъминланди.(2.1.2-жадвал)

2015 йил якунида барча манбалар ҳисобидан 1926,6 млрд.сўм миқдорида инвестиция ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,9 пунктга кўп жалб этилиши таъминланди.

Марказлашган маблағлар ҳисобидан 8 та (3 та реконструкция ва 5 та капитал таъмирлаш) касб-ҳунар коллежлари, 19 та (1 та янги қурилиш, 10 та реконструкция ва 8 та капитал таъмирлаш) умумтаълим мактаблари ҳамда 5 та соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда янги қурилиш ва реконструкция қилиш ҳисобига фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

2015 йил якуни билан марказлашган маблағлар ҳисобидан соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича реконструкция ҳисобига 5 та (18,5 млрд.сўм) соғлиқни сақлаш муассасалари, реконструкция ҳисобига 3 та, капитал таъмирлаш ҳисобига 5 та жами 8 та (6,6 млрд.сўм) касб-ҳунар коллежлари, янги қурилиш ҳисобига 1 та, реконструкция ҳисобига 10 та ва капитал таъмирлаш ҳисобига 8 та жами 19 та (22,1 млрд.сўм) умумтаълим мактаблари ҳамда 34 та ичимлик суви (16,4 млрд.сўм) объектларида 63,6 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Мазкур ишлар натижасида, 8 та (3 та реконструкция ва 5 та капитал таъмирлаш) касб-ҳунар коллежлари, 19 та (1 та янги қурилиш, 10 та реконструкция ва 8 та капитал таъмирлаш) умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилиши таъминланди.

Бундан ташқари, вилоятда «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» ҳисобидан жами 16 та жумладан, 11 та мактаблар учун спорт зал,

4 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва 1 та болалар мусиқа ва санъат мактаби объектларида қурилиш ишлари олиб борилди. Мазкур объектларда 21,2 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 2015 йил якуни билан 15 та объектлар фойдаланишга топширилиши таъминланди.

Шу билан бирга, вилоятда қишлоқ хўжалиги майдонларида суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан 12 та тик дренаж мелиоратив қудуқларни шу билан бирга 4 та объектларда коллектор ва

дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ва бу мақсадларга 3210,0 млн.сўм миқдорида маблағлар сарфланиши ишлари режалаштирилган.

2015 йил январ-декабр ойлари якуни билан объектларда 3143,3 млн.сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Ушбу ишлар натижасида Мингбулоқ туманидаги “Тегирмон” насос станциясини ва Поп туманидаги туманлараро “Қорақалпоқ” коллекторини реконструкция қилиш ишлари тўла якунланди.

Шунингдек, барча манбалар ҳисобидан 1049,7 минг кв.м. турар-жой, 220,9 км ичимлик суви ва 23,0 км табиий газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги

ПҚ-2264 сонли қарори асосида вилоят ҳокимининг 2015 йил 15 январдаги “Наманган вилоятининг 2015 йил Худудий инвестиция дастури тўғрисида”ги 48-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорга асосан марказлашган инвестициялар ҳисобидан 5,1 млрд.сўм, номарказлашган инвестициялар ҳисобидан 456,4 млрд.сўм жами 461,5 млрд.сўм миқдорида капитал маблағлар ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Жумладан, 5,1 млрд.сўм маҳаллий бюджет, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 141,3 млрд.сўм, банк кредити маблағлари ҳисобидан 147,1 млрд.сўм, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан 41,0 млрд.сўм ҳажмида инвестиция жалб этилиши кўзда тутилган.

2015 йил якуни билан корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 174,7 млрд.сўм, банк кредити маблағлари ҳисобидан 175,0 млрд.сўм, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан 43,9 млрд.сўм ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан 80,0 млрд.сўм, жами 476,4 млрд.сўм миқдорида капитал маблағлар ўзлаштирилди.

Ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳисобига 313 та sanoat, 804 та хизмат кўрсатиш ва сервис ва 466 та қишлоқ хўжалиги, жами 1583 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилди.

Аҳолига замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам сезиларли ишлар олиб борилмоқда. Жорий йил якуни билан 804 та савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари фойдаланишга топширилди. Бу ишларга 72,3 млрд.сўмдан ортиқ капитал маблағлар сарфланди. Натижада 2776 нафар янги иш ўринлари яратилди.

2015 йил якуни билан 313 та ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳаларда жами 209,1 млрд.сўм (71,5 млрд.сўм ўз маблағи, 3,5 млрд.сўм хорижий инвестициялар ва 134,1 млрд.сўм банк кредити маблағлари) миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, 7945 та янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, Наманган шаҳрида 133 та, Мингбулоқ туманида 5 та, Косонсой туманида 19 та, Наманган туманида 25 та, Норин туманида 9 та,

Поп туманида 14 та, Тўрақўрғон туманида 28 та, Уйчи туманида 16 та, Учқўрғон туманида 18 та, Чортоқ туманида 18 та, Чуст туманида 17 та ва Янгиқўрғон туманида 11 та ишлаб чиқариш лойиҳалари фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳисобот якуни билан 466 та лойиҳалар тўла амалга оширилиб фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳаларда жами 76,0 млрд.сўм (41,1 млрд.сўм ўз маблағлари, 34,9 млрд.сўм банк кредити) миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, 2671 та янги иш ўринлари яратилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги 8 та асосий ва 6 та устивор лойиҳалар бўйича 17,1 млн.доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниши кўзда тутилган. Ҳисобот якуни билан амалда дастур доирасидаги ҳамда қўшимча лойиҳалар билан биргаликда 17,2 млн.долл. миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди. Белгиланган прогноз кўрсаткичи 100,6 фоизга бажарилиши таъминланди.

Жумладан, Наманган шаҳридаги “Нестле-Узбекистон” қўшма корхонасида модернизация ишларини амалга ошириш бўйича 2344,1 минг доллар, “Наманган тиббий диагностика” қўшма корхонасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш лойиҳасига 250,0 минг доллар, "МЕДИК СЕРВИС" қўшма корхонаси 250,0 минг доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилди.

Косонсой туманидаги “SOFIYA-SOF TEKSTIL” қўшма корхонасида пайпоқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси бўйича 250,0 минг доллар миқдорида инвестиция киритилди.

Наманган туманидаги “Тошбулоқ текс” қўшма корхонасида калава ип маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси бўйича 374,3 минг доллар миқдорида инвестиция киритилди.

Норин туманидаги “ELDORBEK SANOAT” корхонасида шифер ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси бўйича 69,8 минг доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Низом жамғармасини шакллантириш ва ишларни давом эттириш мақсадлари жалб этилди.

Поп туманидаги “PAP FEN” қўшма корхонасида кенгайтириш ишларини амалга ошириш бўйича 4912,0 минг доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилди.

Тўрақўрғон туманидаги “PACKING INDUSTRIES” хорижий корхонасида қадоклаш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси бўйича хорижий инвесторлар томонидан 300,0 минг доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилди.

Уйчи туманидаги "DUBLYONKA CHARM" МЧЖ корхонасида терини қайта ишлаш лойиҳасига 311,0 минг доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилди.

Учқўрғон туманидаги “Узтех Учкурған” қўшма корхонасида ип газлама маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси бўйича 7870,0 минг доллар миқдорида инвестиция киритилди.

Саноат соҳасида 2015 йилнинг якунида 314 та лойиҳаларни амалга ошириш ва бу мақсадлар учун жами 226,0 млрд.сўм (шундан 149,5 млрд.сўми банк кредити) инвестиция маблағларини ўзлаштириш ҳамда 8695 та янги иш ўринлари барпо этиш белгиланган.

2015 йилнинг январ-декабр ойлари якуни билан 314 та лойиҳалар шундан, кимё саноатида 2,1 млрд сўмлик 14 та лойиҳа (133 та иш ўрни), машинасозлик ва эҳтиёт қисмлар йўналишида 6,9 млрд.сўмлик 12 та лойиҳа (182 та) енгил саноат йўналишида 140,5 млрд.сўмлик 109 та лойиҳа (6048 та),
озик-овқат йўналишида 32,0 млрд.сўмлик 69 та лойиҳа (674 та), қурилиш материаллари саноатида 32,1 млрд.сўмлик 81 та (1390 та), чармпойабзали йўналишида 1,2 млрд.сўмлик

13 та (80 та), мебел ва қоғозни қайта ишлаш соҳасида 4,0 млрд.сўмлик 14 та (129 та) ҳамда фармацевтика соҳасида 9,5 млрд.сўмлик 2 та (59 та) лойиҳалар амалга оширилди.

Ушбу лойиҳаларга 228,3 млрд сўм маблағлар (шундан, 74,5 млрд сўми ташаббускор маблағлари, 150,3 млрд сўми банк кредити ва 3,5 млрд.сўм хорижий инвестициялар) йўналтирилиб, 8695 та иш ўринлари яратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 2015 йилнинг январ-декабр ойлари давомида 79,0 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштириб, 804 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш ҳисобига 2771 та янги иш ўринлари яратиш белгиланган.

Жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 72,3 млрд сўм маблағ сарфлаш ҳисобига 804 та, жумладан, 446 та савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, 6 та алоқа ва ахборотлаштириш, 7 та компютер дастурлаштириш хизмати, 45 та қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техника хизмати, 192 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 15 та молия хизмати, 31 та соғлиқни сақлаш хизмати, 2 та туризм хизмати, 1 та таълим хизмати, 1 та транспорт хизмати, 1 та қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизмати ва бошқа 57 та турдаги хизматлар кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, 2776 та иш ўринлари яратилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида 2015 йилнинг январ-декабр ойлари якуни билан 466 та лойиҳалар амалга ошириш, ушбу мақсадлар учун 70,7 млрд.сўм (шундан 31,1 млрд сўми банк кредити) маблағлар сарфланиб, 2626 та янги иш ўринлари барпо этиш белгиланган.

2016 йилнинг 1 январ ҳолатига 71,8 млрд.сўм маблағлар сарфланиши ҳисобига 466 та лойиҳалар амалга оширилди. Натижада 2671 та янги иш ўринлари барпо этилди.

Жумладан, 150 та қорамолчилик, 34 та паррандачилик, 47 та балиқчилик, 78 та асаларичилик хўжаликлари ташкил этилиб, 33 та иссиқхона, 109 та фермер хўжаликлари томонидан интенсив боғлар ҳамда 15 та фермер хўжаликлари томонидан янги токзорлар барпо этилди.

**Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг
асосий кўрсаткичлари таҳлили⁵**

1-жадвал.

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилни 2014 йилга нисбатан, фоизда
1	Саноат ишлаб чиқариш	млрд.сўм	1629,6	1965,0	2685,2	114,0
2	ХИМ ишлаб чиқариш ҳажми	млрд.сўм	1013,9	1205,1	1779,9	119,4
3	Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти	млрд.сўм	2429,2	2877,1	3161,6	105,9
4	Пудрат ишлари	млрд.сўм	726,7	928,3	1109,7	111,1
5	Чакана савдо	млрд.сўм	2898,6	3506,5	4083,5	112,9
6	Пуллик хизмат	млрд.сўм	1076,5	1386,2	1654,2	113,2
7	Экспорт	млн. АҚШ долл	102500,0	112716,0	165500,0	113,3
8	Импорт	млн. АҚШ долл	161300,0	163913,7	168738,2	94,1

⁵ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

**Наманган вилоятида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар
кўрсаткичлари таҳлили⁶**

2-жадвал.

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилни 2014 йилга нисбатан, фоизда
1	Молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳажми, млн.сўм	млн.сўм	1016733,1	1620038,2	1926600,3	105,9
2	Марказлаштирилган инвестициялар					
2.1	бюджет маблағлари	млн.сўм	75732,7	101895,8	163869,1	160,8
2.2	бошқа маблағлар	млн.сўм	105105,6	453262,4	529909,5	116,9
3	Марказлаштирилмаган инвестициялар	млн.сўм				
3.1	Корхоналарнинг ўз маблағлари	млн.сўм	152814,3	327199,7	346546,1	105,9
3.2	тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	млн.сўм	83070,2	18358,8	125521,0	683,7
3.3	Тижорат банклари кредитлари	млн.сўм	175131,2	219985,5	200472,4	91,1
3.4	бошқа маблағлар	млн.сўм	424879,1	499336	560282,2	112,2
4	Ўз имкониятлари асосида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми, шартнома нархларида	млн.сўм	726715,4	928282,8	1109703,0	111,1

⁶ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

**Наманган вилоятида саноат маҳсулотларини ҳудудлар кесимида
ишлаб чиқарилиши кўрсаткичлари таҳлили⁷**

3-жадвал.

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилни 2014 йилга нисбатан, фоизда
	Вилоят бўйича жами	млн.сўм	1 638 261,8	2 190 700,2	2 685 229,6	114,0
	Шундан йирик корхоналар	млн.сўм	802 827,3	889 574,4	997 638,5	108,2
1	Наманган шаҳри	млн.сўм	242 297,0	251 408,5	308 605,1	120,5
2	Мингбулоқ тумани	млн.сўм	38 377,5	47 601,3	52 441,4	103,4
3	Косонсой тумани	млн.сўм	12 088,8	14 611,6	17 484,5	116,2
4	Наманган тумани	млн.сўм	39 741,1	45 258,4	43 487,5	90,1
5	Норин тумани	млн.сўм	25 343,2	26 744,4	29 836,8	102,5
6	Поп тумани	млн.сўм	78 103,8	78 557,6	75 014,6	93,5
7	Тўрақўрғон тумани	млн.сўм	58 283,8	71 253,1	81 903,9	112,1
8	Уйчи тумани	млн.сўм	41 377,1	37 271,2	42 370,9	109,7
9	Учқўрғон тумани	млн.сўм	123 264,3	133 328,4	154 102,5	107,5
10	Чуст тумани	млн.сўм	35 303,2	38 613,3	34 820,8	85,4
11	Янгиқўрғон тумани	млн.сўм	15 627,9	13 585,6	14 556,7	108,6

⁷ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

2.2. Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари мамлакат ҳаёти ва иқтисодиётида аграр соҳанинг тутган ўрни, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ислоҳотни босқичма-босқич амалга ошириб бориш ва ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқмоқда.

Қишлоқда янги хўжалик юритиш механизмининг, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, кредитлаш ва суғурта қилишнинг янги тизимини, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қишлоққа келтириладиган техника, ёқилғи ва минерал ўғитлар учун бўладиган ўзаро ҳисоб-китобнинг асослари ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2015 йилда жами қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар ҳажмининг асосий қисми нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келади. Иқтисодиётнинг аграр секторида мустаҳкам ва барқарор ривожланиш таъминланди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш структураси тубдан ўзгарди. Қишлоқ хўжалигида экинларни жойлаштиришда илмий асосланган усуллар жорий этилди.

2015 йилда барча хўжаликларда 240,0 минг тонна картошка, 642,4 минг тонна сабзавот, 70,4 минг тонна полиз, 216,4 минг тонна мева, 115,0 минг тонна узум, чорвачилик маҳсулотларидан 114,3 минг тонна гўшт, 580,6 минг тонна сут, 357,1 млн. дона тухум етиштирилиб, бу турдаги маҳсулотларни 2014 йилга нисбатан 7,0 фоиздан 20,0 фоизгача кўпайтириш кўзда тутилган.

2015 йил якуни билан 654,6 минг тонна сабзавот (ўсиш суръати 105,1%), 241,1 минг тонна картошка (106,2%), 70,7 минг тонна полиз (103,7%),

224,1 минг тонна мева (110,1%), 115,2 минг тонна узум (100,9%), чорвачилик маҳсулотларидан 114,8 минг тонна гўшт (107,8%), 581,0 минг тонна сут (108,3%) ва 358,2 млн. дона тухум (129,5%) ишлаб чиқарилиб, белгиланган прогноз параметрлари бажарилди.

Шу даврда, қорамол бош сонлари 577,4 минг бошни (102,1%) шу жумладан, сигирлар 204,0 минг бошни (101,6%), қўй-эчкилар 683,7 минг бошни (102,5%), паррандалар 3266,5 минг бошни (114,8%) ва отлар 6,6 минг бошни (100,9%) ташкил этди.

Бунинг ҳисобига вилоятда 3161,6 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти яратилиб, ўсиш суръати 105,9 фоизга таъминланди.

**Вилоятдаги барча турдаги хўжаликларда қишлоқ хўжалик
маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

**-жадвал
(тонна)**

Маҳсулот тури	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилни 2014 йилга нисбати фоиз
Картошка	167002	188082	207279	226992	241131	106,2
Сабзавот	488690	529456	574564	622547	654575	105,1
Полиз	53223	56930	63451	68138	70678	103,7
Мева	138120	157975	182026	203503	224137	110,1
Узум	77427	87503	98606	114216	115236	100,9
Гўшт	87058	93217	99754	106443	114752	107,8
Сут	422342	464500	498738	536268	580996	108,3
Тухум (м.дона)	121790	170442	217425	276543	358177	129,5
Жун (центнер)	12440	13500	14500	15040	15800	105,1
Қорамоллар						
бош сони (бош)	543644	556950	564469	574649	640003	111,4
Жумладан:						
сигир (бош)	191242	196406	200583	203355	209849	103,2
Қўй-эчки (бош)	627950	647653	661642	679243	695961	102,5
Паррандалар						
бош сони (минг бош)	2034,4	2293,8	2631,1	3042,2	3417,2	112,3

2015 йил якуни билан вилоятда қишлоқ хўжалигида 3161,6 млрд. сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 2014 йилга нисбатан 105,9 фоизга ўсди.

Чорвачиликдаги ялпи маҳсулот қиймати 1113,2 млрд. сўм ёки умумий ялпи маҳсулотдаги улуши 35,2 фоиз, ялпи ўсимчилик маҳсулотлари 2048,4 млрд. сўм ёки умумий ялпи маҳсулотдаги улуши 64,8 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликларида 959,4 млрд. сўм маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати 103,8 фоизни, деҳқон хўжаликларида 2172,3 млрд. сўм маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш 106,8 фоизни ташкил этди. Жами ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот қийматининг 30,3 фоизи фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Вилоятда 462,9 минг та деҳқон хўжаликлари бўлиб, 305 нафари юридик мақомга эгадир.

Давлатга 217,4 минг тонна ғалла (режага нисбатан 100,2 %) ва 230,4 минг тонна пахта (100,2%) етказиб берилди.

Барча турдаги хўжаликларда 560,5 минг тонна дон (ўтган йилга нисбатан 102,9 %), 241,1 минг тонна картошка (106,2 %), 654,6 минг тонна сабзавот (105,1 %), 70,7 минг тонна полиз (103,7 %), 224,1 минг тонна мева (110,1 %) ва 115,2 минг тонна узум (100,9%), чорвачилик маҳсулотларидан 114,7 минг тонна гўшт (107,8 %), 581,0 минг тонна сут (108,3 %), 358,2 млн. дона тухум (129,5 %), 1580 тонна жун (105,1 %) ишлаб чиқарилди. Ҳисобот даврида қорамол бош сонлари 640,0 минг бошни (111,4 %), шу жумладан сигирлар 209,8 минг бошни (103,2 %), қўй-эчкилар 696,0 минг бошни (102,5 %), парранда 3417,2 минг бошни (112,3 %) ва отлар 6,6 минг бошни (101,1 %) ташкил этди.

**Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги тармоғи чорвачилик
маҳсулотларини ишлаб чиқариш таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йил умумий маҳсулот салмоғи фоиз
Барча турдаги хўжаликлар бўйича							
Гўшт	тонна	87058	93217	99754	106443	114752	100,0
Сут	тонна	422342	464500	498738	536268	580996	100,0
Тухум	минг дона	121790	170442	217425	276543	358177	100,0
Жун	центнер	12440	13500	14500	15040	15800	100,0
Қишлоқ хўжалик корхоналарида							
Гўшт	тонна	446	669	677	754	805	0,7
Сут	тонна	899	1135	1144	1221	1254	0,2
Тухум	минг дона	18215	32630	61513	72318	84690	23,6
Жун	центнер	16	20	30	30	40	0,2
Аҳоли хўжаликларида							
Гўшт	тонна	84675	90187	96527	102725	110821	96,6
Сут	тонна	413368	453386	485150	520789	564635	97,2
Тухум	минг дона	72688	75268	88754	114769	154353	43,1
Жун	центнер	12230	13250	14070	14580	15310	96,9
Фермер хўжаликларида							
Гўшт	тонна	1937	2361	2550	2964	3126	2,7
Сут	тонна	8075	9979	12444	14258	15107	2,6
Тухум	минг дона	30887	62544	67158	89456	119134	33,3
Жун	центнер	190	230	400	430	450	2,9

Вилоят аҳолисини арзон, сифатли мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 ноябрдаги 311-сонли қарорини вилоятда бажарилишини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ушбу қарорга асосан 241,1 минг тонна картошка (ўтган йилга нисбатан 106,2%), 654,6 минг тонна сабзавот (105,1%), 70,7 минг тонна полиз (103,7%), 224,1 минг тонна мева (110,1%), 115,2 минг тонна узум (100,9%), чорвачилик маҳсулотларидан 114,7 минг тонна гўшт (107,8%), 581,0 минг тонна сут (108,3%), 358,2 млн дона тухум (129,5%), 1,6 минг тонна жун (105,1%), 2,8 минг тонна пилла (100,0%), 783,0 тонна асал (121,7%) ва 2733 тонна балиқ (127,4%) ишлаб чиқарилиб, белгиланган прогноз параметрлари бажарилди.

(Вилоят аҳолиси истеъмоли учун меъёрлар бўйича 1 йилда 291,4 минг тонна сабзавот, 130,0 минг тонна картошка, 145,4 минг тонна мева, 35,8 минг тонна узум, 49,7 минг тонна полиз, 103,1 минг тонна гўшт, 361,0 минг тонна сут, 312,0 млн.дона тухум маҳсулотлари талаб этилади).

Вилоятда 2015 йилда 654,6 минг тонна сабзавот (ўтган йилга нисбатан 105,1 %), 241,1 минг тонна картошка (106,2 %), 70,7 минг тонна полиз (103,7 %), 224,1 минг тонна мева (110,1 %), 115,2 минг тонна узум (100,9 %), 114,7 минг тонна гўшт (107,8 %), 581,0 минг тонна сут (108,3 %), 358,2 млн. дона тухум (129,5 %), маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Ресубликаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги «2012-2015 йилларда Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1633-сонли қарорига асосан вилоят ҳокимининг 2011 йил 2 ноябрдаги қарори қабул қилиниб, 23 та лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган.

Шу жумладан, 2015 йилда вилоятда жами 13 та, шундан 10 та янги қайта ишлаш корхоналарини қуриши ва 3 та мавжуд қайта ишлаш корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш белгиланган ва бу мақсадларга 12,2 млрд сўмлик (шундан банк кредити 7,2 млрд сўм) маблағ сарфлаш ҳисобига 169 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

2015 йилнинг 31 декабрь ҳолатига 13,3 млрд сўм маблағларни ўзлаштириш ҳисобига 13 та лойиҳаларнинг ижроси таъминланиб, 170 та иш ўринлари барпо этилди. Жумладан, Дастурга асосан:

Янги корхоналарни ташкил этиш бўйича 3040,0 млн сўмлик 10 та, шундан, йилига 1210 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга 8 та сутни, 200 тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш эга 1 та мева-сабзавотни ҳамда 70 тонна гўштни қайта ишлашга ихтисослашган 1 та гўштни қайта ишлаш корхоналари ташкил этилди. Натижада 70 та янги иш ўринлари яратилди.

Мавжуд корхоналарни реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 10260,0 млн сўмлик 3 та, шундан, йилига 100 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга 1 та сутни, 50000 тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга 1 та мева-сабзавотни ҳамда 80 тонна гўштни қайта ишлашга

ихтисослашган 1 та гўшти қайта ишлаш корхоналари ташкил этилиб, 100 та янги иш ўринлари яратилди.

Наманган туманидаги “Наима Нозима Исроил” ФХ да йиллик қуввати 100 тонна сутни қайта ишлаш технологиясини олиб келиб ўрнатилди ҳамда кўшимча 5 та янги иш ўринлари яратилган. Шу билан бирга Косонсой туманидаги "Осмон Сайераси" ФХда 70 тонна, Наманган туманидаги "Анор" ФХда 160 тона, Янгиқўрғон туманидаги "Мўжиза Сут махсулотлари" ХКда 100 тонна, Чуст туманидаги "Сероб Сут" МЧЖда 300 тонна ҳамда "Зарипов Алижон Расулович" ХКда 160 тонна, Учқўрғон туманидаги "PURE QUALITY FOOD PRODUCE" МЧЖда 70 тонна, Тўрақўрғон туманидаги "Хайрулло Савдо Сервис" МЧЖда 250 тонна сутни қайта ишлаш технологиясини олиб келиб ўрнатилди.

Мева-сабзавот махсулотларини қайта ишлаш бўйича Чортоқ туманида "Боғистон мева қурилиш" ОК 200 тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш эга ҳамда Гўшти қайта ишлаш бўйича Норин туманида "Рухшонабегим чорва" ФХда 70 тонна гўшти қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар ташкил этилди.

Бундан ташқари Мавжуд корхоналарни реконструкция ва модернизация қилиш бўйича Наманган шаҳрида "Мусаввир Музқаймоқ" МЧЖда 100 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга, Поп туманида "Актив Чоркесар лайт" МЧЖда 80 тонна гўшти қайта ишлаш қувватига эга, Янгиқўрғон туманидаги "Натурал Джус КО" МЧЖда 50000 тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга корхоналар ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги «2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот махсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 105-сонли қарорига асосан вилоят ҳокимининг 2011 йил 12 апрелдаги 113-сонли қарори қабул қилиниб, назорат ўрнатилган.

Мазкур қарорга асосан 2015 йилда сиғими 6100 тонна бўлган 8 та янги музлаткичли омборхоналар ташкил этиш ва бу мақсадлар учун 4,9 млрд.сўм (шундан банк кредити 1,9 млрд.сўм) маблағларни сарф этилиши белгиланган.

2015 йилнинг 31 декабр ҳолатига 8 та лойиҳалар амалга оширилиб, 6100 тонналик сиғимлар барпо этилди. Бунинг натижасида 55 та иш ўринлари яратилди.

Бу мақсадларга жами 4920,0 млн.сўм, шундан 1948,0 млн. сўм банк кредит маблағлари йўналтирилди.

Бугунги кунда Мингбулоқ туманидаги “Гулбоғ пахта тозалаш” АЖда 200 тонна сиғимга эга бўлган 1 та янги совуткич камераси қуриб фойдаланишга топширилди. Косонсой туманидаги "Аҳмадхон ҳожи косоний" ФХда 400 тонна сиғимга эга бўлган 1 та янги совуткич камераси қуриб фойдаланишга топширилди. Чортоқ туманидаги "Бизнес Контрол Азия" МЧЖда 1500 тонна ҳамда "Учқўрғон дон махсулотлари" АЖда 500 тонна

сиғимга эга бўлган 2 та янги совуткич камераси қуриб фойдаланишга топширилди. Чуст туманидаги "Каркидон куштепа саноат" ХКда 100 тонна ҳамда "Олмос фарм текст" МЧЖда 500 тонна сиғимга эга бўлган 2 та янги совуткич камераси қуриб фойдаланишга топширилди. Янгикўрғон туманидаги "Натурал Джус" МЧЖда 2000 тонна ҳамда "Мухаммаджанова Дилноза" ФХда 900 тонна тонна сиғимга эга бўлган 2 та янги совуткич камераси қуриб фойдаланишга топширилди.

2015 йилда чорвачиликнинг барча тармоқларини ривожлантириш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига ички истеъмол бозорини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида умумий қиймати 71,8 млрдсўм маблағ ўзлаштириш ҳисобига 466 та лойиҳалар ишга туширилиб, 2671 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Жумладан, қорамолчилик йўналишида 150 та лойиҳалар ҳисобига 8302 бош қорамол (вилоят бўйича жами 574,6 минг бош), паррандачилик йўналишида 34 та лойиҳалар ҳисобига 544,0 минг бош парранда (3042,2 минг бош), 617,1 гектар майдонда 47 та балиқчилик хўжаликлари (11,8 минг гектар), 78 та асаларичилик хўжаликларида 3350 та асалари оилалари (34,3 мингта асалари оиласи), 488,7 гектар майдонда та янги токзорлар (13,7 минг гектар) ҳамда 996,6 гектар майдонда янги интенсив боғлар (1080,4 гектар) барпо этилди.

III Боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сотиш ва ривожлантириш истиқболлари

3.1. Ўзбекистонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти

Бугунги жаҳон иқтисодийнинг глобаллашуви жараёнида ҳар бир мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бу – мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ҳамда унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир. Чунки экспорт салоҳиятини юксалтириш нафақат муайян бир мамлакатнинг, балки ҳар бир ташқи иқтисодий фаолият субъектининг ҳам туб манфаатларини кўзда тутди.

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб замирида мамлакат ободлиги, халқимиз турмуш шароитининг янада яхшиланиши ва инсон манфаатлари мужассамдир. Республикамиз иқтисодийида эса қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим ўрин тутди.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавотлар таркиби табиий шакар, органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационидида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради.

Шу ўринда 2015 йилнинг 10 июнь куни Римда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (ФАО) аъзо давлатларни очарчиликка барҳам бериш бўйича саъй-ҳаракатлари учун мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу маросимда Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришганлиги учун мукофотланган 14 мамлакатдан бири бўлди.

2015 йил мобайнида Ўзбекистонда 7 млн 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 млн 350 минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёси етиштирилди. Бундан ташқари, етиштирилган мева-сабзавотлар 18,7 млн тоннадан ортиқни ташкил қилиб, шундан 12 млн 592 минг тоннаси сабзавот ва картошка, 1 млн 850 минг тоннаси полиз маҳсулотлари, 1 млн 556 минг тоннаси узум ҳамда 2 млн 731 минг тоннаси мевалар ҳиссасига тўғри келади.

Шу ўринда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра ривожланаётган мамлакатларда бир киши учун кундалик 400 грамм яъни йилига ўртача 145 кг мева ва сабзавот маҳсулотларини истеъмол қилиш меъёри сифатида белгиланган. Мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳоли жон бошига қарийб 300 кг сабзавот, 75 кг картошка ва 44 кг узумни ташкил этади. Бу кўрсаткич оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир. Ўз-ўзидан маълум бўладики, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш салоҳияти юқори ўринлардан бирини эгаллайди.

Бугунги кунда жаҳон бозорида савдо ўрни учун каттиқ рақобат кураши олиб борилмоқда. Бунда маҳсулотнинг нархи ва сифати, шунингдек, кўрсатиладиган хизматлар даражаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Дунё бозоридаги кескин рақобатга қарамай, Ўзбекистон дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқда. Хусусан, 2015 йил мобайнида 590 минг тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ўз имкониятларини жаҳонга намойиш қилиш мақсадида бир қатор нуфузли халқаро тадбирларда, семинарларда иштирок этиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон вакиллари 2015 йилнинг май ва октябрь ойлари ўртасида Италиянинг Милан шаҳрида «EXPO Milano 2015» халқаро кўргазмасида иштирок этишди. Унда Ўзбекистонга аталган 500 м²худуддаги павильонда мамлакат тараққиёти тарихидан, унинг салоҳияти ҳамда мамлакат иқтисодий ҳаётидан ҳикоя қилувчи экспонат жойлаштирилди. Миллий услубда тайёрланган стендлар кўргазма меҳмонларининг диққатини тортди. Ўзбекистон павильонига 700 минг меҳмон ташриф буюрди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея Республикалари ўртасида 2015 йилнинг 13 ноябрь куни пойтахтимиздаги «City Palace» меҳмонхонасида «Қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти лойиҳалари бўйича ҳамкорлик режаси» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Шу билан биргаликда, жорий йилнинг 15–24 январь кунлари Берлинда дунёдаги энг йирик «Яшил ҳафта-2016» қишлоқ хўжалиги ярмаркаси ҳамда жаҳон давлатлари қишлоқ хўжалиги вазирларининг саммити бўлиб ўтди. Бу йили кўргазма ишида 68 давлатдан, шу жумладан Ўзбекистондан, 1 730 компания ва фермер хўжаликлари иштирок этди. Кўргазма натижаларига кўра, Европа давлатларига 91,2 млн доллардан кўпроқ қийматдаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартнома ва келишувлар имзоланди.

Сўнгги йилларда жаҳон бозорида пахта толасининг нархи ҳамда унга бўлган талабнинг кескин пасайиб кетиши натижасида Ўзбекистонда пахта экиш майдонлари йилдан-йилга қисқартирилмоқда. Бу ўринда 2020 йилга қадар пахта хом ашёсини етиштириш ҳамда уни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 3 млн 350 минг тоннадан 3 млн тоннагача босқичма-босқич қисқартириб, 2020 йилда бошоқли дон етиштириш ҳажмини 16,4 фоизга (8,5 млн тонна), картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоизга, гўшт етиштиришни 26,2 фоизга, сутни 47,3 фоизга, тухумни 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5 мартага ошириш кўзда тутилмоқда.

Юқоридаги имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида қуйидаги йўналишлардаги ишларни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- мевачилик, узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари мутахассисларининг билими, савияси ва малакасини ошириш;
- жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий технологияларга асосланган янги қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш, мавжудларини техник янгилаш ва модернизациялаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш;
- хўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган хўжалик субъектларининг ишида юзага келадиган ташкилий муаммоларни бартараф этиш ҳамда имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш;
- ички ва ташқи бозорларни ўрганувчи маркетинг хизматларини ривожлантириш;
- мева-сабзавотларни сақлашга ихтисослашган совутиш камералари ва махсус омборхоналар тармоғини ҳамда сиғимини кенгайтириш.

3.2. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида қайта ишлаш саноатини ривожлантириш

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодийнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқҳолининг озик-овқатмаҳсулотларига, саноат тармоқларининг хомашёга булган талабини кондиради. Шу боис иқтисодий ислохотларнинг бошиданок аграр сийосатимизнинг асосий вазифаси сифатида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, пахта яккахоким лигидан возкечиш, озик-овқатмаҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалигида қайта ишлаш саноати мажмуасини шакллантириш кабилар белгилаб олинди ва бу борада кўплаб ютук ларга эришилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг қулай ва серқуёш иқлими ҳамдагеографик жойлашуви кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имконини беради. Энг асосий вазифа эса— бу табиий имконият дан оқилона фойдаланиб, хорижий инвестицияларни, айниқса, Транс Миллий Корпорация (ТМК) лар ни ушбу тармоқда жалб этиш оркали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, бу маҳсулотларни қайта ишловчи саноат корхоналарини шакллантириш ҳамда бу соҳада техник ва технологик янгилашга каратилган инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик лойиҳаларни амалга оширишдир.

Сунгги йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг аграр тармоқда кировчи окимлари ва ТМКлар кизиқиши ошиб бориши ҳам бу борадаги мақсадларга эришишимизда узига хос воситалардан бири булмоқда. Бунга муайян маънода жаҳонда кечаётган катор омиллар ҳам сабаб булмоқда:

- биринчидан, йирик истеъмол бозорига эга булган Бразилия, Хитой, Хиндистон ва Корея Республикаси каби мамлакатларда Иқтисодий Усиш

суръатлари тезлашиши аҳолининг гўшт, балиқ ва суг маҳсулотлари сингари озик-овқат товарларга талабни оширди. Баъзи ҳолларда ривожланаётган мамлакатлардан озик-овқат импортига зарурият тугдирди;

- иккинчидан, жаҳонда хусусан Бразилия, АКШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳкуматлари томонидан биоёнилги ишлаб чиқарилишининг рағбатлантирилиши ривожланаётган мамлакатларда шакаркамиш, дон маҳсулотлари ва ёғ (мой) берадиган уруглар етиштириш учун инвестициялар ҳажми ошишига олиб келди;

- учинчидан, сунгги йилларда озик-овқат нархининг кескин кутарилиши натижасида гуруч маҳсулотлари етишмовчилиги ва баъзи ривожланаётган мамлакатларнинг бу каби маҳсулотлар экспортига чекловлар урнатиши кишок хўжалигида «янги инвестор»ларни вужудга келтирди. Корея Республикаси, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатлар ҳкуматлари ва кўпгина компаниялари узларида экин ерлари етишмаслиги ва ирригацияни ривожлантиришга сув танқислиги каби сабаблар туфайли хориж қишлоқ хўжалигига инвестициялар киритмокдалар.

Республикаимиз ҳудудларида чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш, қисқа муддатли сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш борасидаги техника, технологиялари етишмаслиги билан бирга, ушбу муаммолар ҳал бўлиши ҳам масалани узил- кесил ечмайди. Чунки, маҳсулотни сотиш борасидаги реал муаммолар бунга тусик бўлади. Шу боис маҳсулотларни «ишлаб чиқариш - қайта ишлаш сотиш» занжирида сотиш ва харид қилишниинг самарали механизмларини вужудга келтириш зарур.

Гўшт ва суг маҳсулотлари бозори конъюнктураси узгариши натижасида энг кўпИқтисодий зарар кураётган томон бу чорвадордир. Чунки аксарият ҳолларда бозорлардан (йирик бозорлар) узокда жойлашган деҳқон бозор узгаришига тез мослаша олмайди. Кўп ҳолларда маҳсулотни яқинрок маҳаллий бозорларга олиб чиқади ва мазкур бозорларда маҳсулот миқдори ортиб баҳо пасайишидан биринчи навбатда чорвадор зарар куради. Ёки маҳсулотни бозорга чиқаришга умуман имкони бўлмайди.

Айни пайтда, гўшт ва суг маҳсулот- ларини истеъмолчиларга етказиш тизими талаблар даражасида шаклланмаганлиги боис маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжалқилар, шунингдек, истеъмолчилар ҳам бирдай зарар курмокда. Ушбу муаммоларни ҳал этиш йуналишларига эътибор каратадиган булсак:

- гўшг ва суг маҳсулотларини деҳқондан кичик улгуржихарид қилишни ривожлантириш, харидор (фойда олиш учун чакана сотиш мақсадида харид қилувчи хусусий шахслар, тадбиркорлар ва қайта ишловчи корхоналар) билан деҳқон ва фермер хўжаликлари уртасидаги узаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш каттааҳамиятга эга;
- деҳқон бозорлари орқали маҳсулотларни сотиш ва ишлаб чиқарувчидан бевосита жойида тузилган фьючерс шартномалари асосида харид қилиш амалиётини ривожлантириш давр талабига айланиб бормокда;
- йирик шаҳарларда супермаркетлар орқали суг ва гўштмаҳсулотларини сотиш билан бирга, жихозланган суг маҳсулотлари сотиш дуконларини ташкил этиш лозим;

- замонавий сақлаш тармоғи, музлаткичлар билан жихрзланган омборларга, хизмат курсатиш инфратузилмаси ва савдо шароитига эга булган тайёрловчи ва қайта ишловчи тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни рағбатлантириш долзарблик касб этмоқда.
- Агарда бозорда шаклланган ҳолатга эътибор каратадиган булсак, кўп холларда чакана савдога олиб чиқиш деҳқонда вақт ва имконият йуклиги, бозорлар узоклиги сабабли транспорт ва бозорда савдо қилиш билан боғлиқ харажатлар нисбатан Юқорилиги боис, чакана савдо хисобидан оладиган фойда микдорининг кескин камайишига олиб келади. Айниқса, сут ва сут маҳсулотларининг деҳқон хўжаликлар томонидан етиштирилиши деҳқоннинг хар куни тайёр маҳсулотни бозорга олиб чиқиш имкониятини чеклайди. Сут маҳсулотларининг сифати бузилиш муддати кун эмас, балки соатлар билан белгиланиши, ташишдаги мураккабликлар, маҳсулотни тайёрлашдаги муаммолар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тусиқ, булувчи муҳим масалалардан хисобланади.

Бугунги куда чорвадор қайта ишловчи билан яхши муносабатда эмас, яъни кўп холларда қайта ишловчи корхоналар томонидан маҳсулотнинг нисбаган паст баҳоларда сотиб олиниши, харид қилиш пайтида маҳсулот сифатини пасайтириб курсатишга уриниш, харид қилинган маҳсулот учун уз вақтида туловлар амалга ошмаслиги, айниқса, деҳқонхўжаликлари учун нақд пул билан савдо қилишдаги муаммолар туфайли қайта ишловчи корхоналарга булган ишончи пасайиб борган.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари билан гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини Иқтисодий боғлаш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларни рағбатлантириш мақсадида қайта ишлаш корхоналари томонидан маҳсулот етиштиришни мунтазам бунаклаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим. Бунда маҳсулот етиштирувчилар чорвадорларга йил давомида етказиб бериладиган маҳсулот учун тузилган шарғномлар асосида маҳсулот кийматининг камида 50 фоизи микдорида бунаклаш мақсадга мувофиқ. Бу чорвадор деҳқон учун қайта ишловчига нисбатан ишонч туйғусини шакллаширишда жуда муҳим;

Маълумки бугунги кунда деҳқонхўжаликлари томонидан етиштирилган гўшт ва сут маҳсулотларининг аксарият киисми қайта ишловчиларга эмас, балки деҳқонбозорлари оркали сотилади. Бунда катор сабаблар бўлиши билан бирга, асосий ва муҳим сабаблардан бири - бу нақд пул билан савдо қилиниши имконияти хисобланади. Демак, ушбу вазиятни хисобга олмасдан туриб, деҳқонхўжаликлари билан қайта ишловчи субъектлар уртасида Иқтисодий муносабатларни яхши йўлга куйиш мумкин эмас,

Шунинг учун ҳам қайта ишловчи корхоналар томонидан деҳқонхўжаликларидан харид қилинган гўшт ва сут маҳсулотлари учун туловларни нақд пулларда амалга ошириш йулларини кидириш лозим. Шунингдек, маҳсулот учун туловларнинг бир қисмини деҳқонхўжаликлари учун очилган банк пластик карта- ларидаги тулов тизимини ҳам жорий этиш мумкин бўлади;

Бу тадбирлар сут ва гўшт маҳсулотлари сифатининг яхшиланишига олиб келади ва бундан биринчи навбада қайта ишловчилар манфаатдор бўлади.

Юқорида тилга олинган масалаларнинг ҳал этилиши чорвадор дехқоннинг қайта ишловчи саноат корхоналари билан Иқтисодий муносабатлари яхшиланишига олиб келиб, ушбу тадбирлар томонлар манфаатларига тўлиқ мос келади.

Қишлоқ аҳолиси учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш, энг аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг амалий натижалари билан боғлиқдир.

Ўзбекистон учун сувдан фойдаланиш ва сувни тежаш технологиялар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида шароити ўхшаш бўлган бошқа мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада кўп сув сарфланади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ажратилаётган лимитнинг камлиги ва сув учун тўловларнинг юқори эканлигидан шикоят қилишади. Шунинг учун ҳам босқичма-босқич бўлса ҳам томчилатиб суғориш усулига ўтиш зарур. Томчилатиб суғориш нафақат суғориш, балки ўсимликларни озиклантириш ҳам ҳисобланади. Бунда ўғитлар далага сочиб юборилмасдан сувда эритилади. Мос равишда ҳам ўғит, ҳам сув иқтисод қилинади. Агар очиқ усулда сабзавот етиштиришда томчилатиб суғоришни ривожлантириш тўғрисида гапиришга ҳали эрта бўлсада, иссиқхона хўжалигида уни тўла қўллаш мумкин. Катта идиш(бочка) ва сув беришни созлайдиган жиҳоз билан пластик трубалардан иборат оддий томчилатиб суғориш қурилмасининг нархи қарийб 400 АҚШ долларини ташкил қилади. Унинг самараси қандай? Ўзбекистондаги иссиқхоналарда сабзавотларнинг ўртача ҳосилдорлиги бир кв.метрдан 5-7 кг ни ташкил қилади, 10 кг ҳосил олиш эса жуда яхши кўрсаткич ҳисобланади ва бунга ҳар доим ҳам эришилмайди. Энг оддий томчилатиб суғориш қурилмасидан фойдаланиш бир кв.метрдан кафолатли равишда 10 кг ҳосил олиш имконини беради, қўлланилаётган ўғитлар таркибини тўғри танлаш натижасида эса бундан ҳам юқори ҳосил олишга тўла имконият яратилади. Ўзбекистонда дехқон хўжаликлари асосий мева ва сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ҳисобланадилар. Одатда уларнинг ер майдонлари 0,2 га.дан катта бўлмайди. Бу хўжаликлар ҳеч қачон қайси муддатларда қандай навларни етиштириш, қандай агротехник тадбирларни қўллаш зарурлигини ўзаро келишмайдилар. Фермер хўжаликларига нисбатан ҳам шундай таърифни бериш мумкин. Фермерларда майдони 1 гектардан 5 гектаргача бўлган боғлар бўлиб, боғнинг қайси қисмида қандай кўчат ўтқазил, қандай ўғит қўллашни уларнинг ўзлари ҳал қиладилар. Бунинг натижасида ҳорижий ишлаб чиқарувчилар билан солиштирилганда жуда кам ҳажмда турли навлардаги мева ва сабзавотлар етиштирилади. Бу қайта ишлаш корхоналарига хомашё сотиб олиш ва нобарқарор ишлаб чиқариш билан боғлиқ қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Агар хорижий қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига, масалан, бизнинг бозорларда сотилаётган олмаларга эътибор берилса, барча мевалар бир хил ёрқин рангли, катталиги жиҳатдан бир хил, доғсиз ва бир хил даражада пишган, ҳашоратлар билан зарарланмаган эканлигини кўриш мумкин. Бу олмалар «кимёвий усулда» етиштирилганлиги, бизда етиштирилган олмалар каби

мазаси йўқлиги ва бошқа масалалар тўғрисида узоқ муҳокама қилиш мумкин. Лекин бундай олмаларни етиштиришда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ўғитлардан кўра кам рол ўйнамайди.

Бугунги кунда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш соҳасига индустриал технологиялар кенг миқёсда кириб келмоқда. Бу нафақат ҳамма жойда машина ва механизмларни қўллашни, балки йирик кўламли ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорликка эга эканлигини англатади. Масалан, 500 кг. олмани сақлаш ҳам, ташиш ҳам, қайта ишлаш ҳам фойдали эмас. 50 тонна бўлиши бу– бошқа масала. Бунда талаб юқори бўлган олма навлари бозорда уларни истеъмолчилар кутган пайтда бўлиши лозим. Чунки ташқи бозорда рақобат сезиларли даражада ва у ички бозорда ҳам кучайиб бормоқда.

Мева ва сабзавотларнинг қандай навлари қайта ишлаш саноати учун муҳим аҳамиятга эга. Шундай помидорлар борки, сифатли шарбат олиш мумкин бўлмаган олмалар каби улар томат пастаси ёки кетчуп ишлаб чиқариш учун умуман тўғри келмайди. Бундан ташқари “унчалик тўғри келмайдиган” хомашёнинг ишлатилиши унинг сарфини кўпайтириб юборади ва маҳсулот таннархини ошириб юборади. Томат пастаси ишлаб чиқаришда куруқ массаси миқдори қайта ишлаш саноати талабига жавоб берадиган даражадаги помидорнинг ишлатилиши хомашё сарфини 20% гача камайтириш имконини беради. Лекин, ҳозирча мева-сабзавотларни қайта ишлаш соҳасидаги корхоналар хомашё сотиб олишдан ҳам кўра моддий-техника ресурслари сотиб олишга кўпроқ харажат қилмоқдалар.

Маркетинг ёндашуви билан ишлаб чиқариш қувватларини мақбуллаштириш муаммоси бевосита боғланган. Замонавий корхона рентабелли бўлиши учун мавсум давомида камида 5 минг тонна мева-сабзавот хомашёсини қайта ишлаши лозим. Ундан кам миқдордаги хомашёни қайта ишлаш фойдали эмас. Ўртача ҳосилдорлик 25 тонна/га бўлганда бундай корхона 200 гектар майдоннинг ҳосилини қабул қилиб олишга қодир бўлади. Бундан кам ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган жихозлар дунё бўйича деярли ишлаб чиқарилмайди. Жуда кўп турдаги саноат жихозларининг ишлаб чиқариш қуввати суткасига 150-600 тонна хомашёни қайта ишлашга етади.

Ўзбекистонда мева ва сабзавотларнинг ҳосилдорлиги паст, бу экинларни етиштиришга ҳар бир хўжалик томонидан ажратилган майдон эса 3-5 гани ташкил этади. Бу мева-сабзавот ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳар бир фермер, айниқса, деҳқон хўжалиги учун қайта ишлаш учун ўз қувватларига эга бўлиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз эканлигини англатади. Ҳатто йирик хўжаликлар агар ўзларига қайта ишлаш жихозларини ўрнатсалар ҳам ўз хомашёлари билан буни удалай олмайдилар. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналарининг ўзаро ҳамкорлиги қандай ва нима асосда амалга оширилиш лозим деган савол пайдо бўлади. Қайта ишлаш корхонаси битта фермер хўжалигига тегишли бўлиши мумкин, лекин бунда у уни ташқаридан хомашё билан таъминлаш билан шуғулланишига, ёки бошқача қилиб айтганда, бозордан хомашё сотиб олишига тўғри келади. Фермерлар гуруҳи ҳам кооператив ёки ҳиссадорлик асосида қайта ишлаш корхонасининг

эгаси бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам корхонани иқтисодий самарали юклама билан таъминлаш учун бошқа ишлаб чиқарувчилардан хомашё сотиб олишга тўғри келсада, фермерлар фойдали асосда ўзлари етиштирган мева ва сабзавотларни имтиёзли шароитларда қайта ишлаб олиш имкониятига эга бўладилар. Бунга қўшимча равишда қайта ишлаш корхонасининг таъсисчи-фермерлари саноат маҳсулотини сотишда даромад оладилар ҳамда қайта ишлаш ҳажмларини оширишдан манфаатдор бўладилар ва бу билан ягона занжирни мустаҳкамлайдилар. Агар бозор тўғрисида маълумотга эга бўлинса, нафақат замонавий технологиялардан фойдаланиш, балки анъанавий технологиялардан ҳам тўла фойдаланиш мумкин. Масалан, Европа мамлакатларига (Буюк Британия, Белгия) курилган помидор экспорт қилувчи тадбиркорлар бор. Помидорларни куриштириш табиий шароитда куёш нурлари остида амалга оширилади. Дарвоқе, бундай анъанавий технология энг арзон ҳисобланади. Албатта, помидорнинг ҳамма нави ҳам яхши қоқи бўлмайди, сифатли якуний маҳсулот олиш учун помидор мевалари энг юқори сифатга эга бўлиши зарур. Бундан ташқари бозорнинг ўзини ҳам катта сифимли деб бўлмайди. Лекин кейинги пайтларда кўп гапирилаётган экспортни диверсификациялашнинг муваффақияти хорижий бозорларда ўз ўрнини топиш қобилиятига боғлиқ.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойилларини шакллантиришда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларини шакллантириш, ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалигида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар қиймати ҳам муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Аграр тармоқда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида замонавий янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, амалдагиларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш кенг куламли шартшароитларни таказоэтади. Шунга кура, фикримизча, бозор муносабатларини шакллантириш ва янада чуқурлаштириш шароитида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Ушбу жараёнларни самарали ташкил этиш эса улар асосида ётувчи объектив қонуниятларни ўрганиш ҳамда назарий қоидаларни асослашни тақозо этиб, уларни қуйидаги йуналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ❖ Иқтисодиётнинг барқарор ҳамда жадал тараққий топиши учун қулай шартшароитлар яратувчи замонавий ишлаб чиқаришни илдам ривожланишини таъминлаш;
- ❖ мамлакат минтақаларининг табиий ҳамда иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш уринларини шакллантириш ва аҳолининг, айниқса, ёшларнинг бандлигини, одамларнинг даромадларини ошириш ва фаровонлигини юксалтиришга имкон берувчи инфратузилма объектларини ишга тушириш;

- ❖ хусусий товар ишлаб чиқарувчилар томонидан уз фаолиятларини самарали ва тулаконили ташкил этилишини таъминлаш масрадида зарур ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ишга тушириш ва ривожлантириб боришларини рағбатлантириш;
- ❖ корхоналарда янги технологияларни жорий этиш имконини берадиган ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини ташкил этиш;
- ❖ узининг жойлашуви, табиий ва Иқтисодий салоҳияти ҳамда бошқа жихатлари буйича миллий ва халқаро аҳамиятга эга булган, истиқболли худудларни мақсадга мувофик ривожлантиришда ишлаб чиқариш инфратузилмаси имкониятларидан кенг фойдаланиш;
- ❖ Иқтисодиётда барқарор усиш суръатларини таъминлаш, хусусан, юзага келган ёки келиши мумкин булагн инкирозли ҳолатларнинг олдини олиш ёки салбий оқибатларини бартараф этишда ишлаб чиқариш инфратузилмасидан узига хос дастак сифатида фойдаланиш;
- ❖ Мамлакат Иқтисодиёти тармоқлари ва худудларини истиқболда ривожлантириш борасидаги дастурларнинг сама рали амалга оширилишини таъминлаш.
- ❖ Шунингдек, Инирозга қарши дастурга киритилган қушимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ҳамда ишга тушириш лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш.

Истиқболда ҳам мамлакатимиз Иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бирибулган қишлоқ хўжали гини барқарор ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофик: табиий-Иқтисодий салоҳиятдан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида аграр секторнинг минтақавий ва тармоқ таркибини такомиллаштириш; инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан тубдан янгилаш асосида қушимча қиймати Юқори булган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш қишлоқ жойларда хизмат курсатиш инфратузилмасини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уртасида рақобат муҳитини шакллантириш; замонавий сугориш технологиялари ва сугориш буйича чет эл тажрибасини ўрганиш ҳамда амалиётга жорий этиш орқали сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга ва шуорқали ернинг мелиоратив ҳолатини яхшиланишига эришиш; қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳсулот ларни эркин сотишлари учун янада кенгрок имкониятлар яратиш ва бошқалар.

3.3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилган ва ривожлантириш истиқболлари

Республикамизда 2015 йилда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, истеъмолчилар талабини мамлакатимизда етиштириляётган мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлар ҳисобига тўла қондириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, ички бозорни тўла таъминлаш баробарида қайта ишлаш корхоналари кувватини ва экспорт ҳажмларини ошириш, замонавий технологиялар асосида пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғлар ва янги токзорлар барпо этишга қаратилган бир қатор аниқ манзилли чоратадбирлар дастурларининг амалга оширилиши натижасида ижобий натижаларга эришилди.

Мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлари етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликларида янги боғ-токзорлар барпо этиш, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, агротехник тадбирларини ўтказиш, талаб этиладиган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлар, минерал ўғитлар, уруғликлар етказиб бериш ҳамда маҳсулотларни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш бўйича тизимли ишлар олиб борилди.

Барча агротехника тадбирлари илғор технологиялар асосида ўз муддатида сифатли ўтказилиши натижасида ўртача ҳосилдорлик боғларда 116, токзорларда 121 центнерни ташкил этди.

Республикада озиқ-овқат дастурлари асосида мева-сабзавотчилик бўйича 2015 йилда 959,1 триллион сўмлик жами 19,2 мингта лойиҳа амалга оширилиб, бунинг натижасида 26,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 30 та туманда 517,3 млрд сўмлик 7,6 мингта лойиҳа амалга оширилди.

Республикада бўйича 9,8 минг гектар (2014 йилга нисбатан 176%) пакана ва ярим пакана интенсив боғлар ва 9,9 минг гектар (109%) янги токзорлар барпо этилиб, 12,3 минг гектар (296%) боғ ва 7,5 минг гектар (123%) токзорлар реконструкция қилинди. Шунингдек, 451 гектар майдонда иссиқхоналар қурилди, 181 та 102,8 минг тонна ҳажмли музлаткичли-омборхоналар, 246 та 315,7 минг тонна кувватга эга қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди. Бундан ташқари, аҳоли хонадонларида 154 гектар майдонда енгил конструкцияли иссиқхоналар барпо этилди.

Соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ва яратилган имкониятлар, берилган имтиёزلардан унумли фойдаланган деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 2015 йилда республикада бўйича 10 млн 128,1 минг тонна (2014 йилга нисбатан 109,1 фоиз) сабзавот, 1 млн 853,1 минг тонна (109,3%) полиз, 2 млн 696,7 минг тонна (110%) картошка, 2 млн 746,2 минг тонна (110,3%) мева ва 1 млн 579 минг тонна (109,6%) узум маҳсулотлари етиштиришга эришилди.

Бошқача қилиб айтганда, 2015 йилда аҳоли жон бошига йиллик ўртача 320 кг сабзавот (тиббий меъёрга нисбатан 2,8 марта кўп), 85,3 кг картошка (1,5 марта), 58,6 кг полиз (2,2 марта), 86,8 кг мева (1,2 марта) ва 49,9 кг узум (3,3 марта) маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Истикболда мева-сабзавотчиликни янада ривожлантириш мақсадида соҳа мутахассис ва олимлари томонидан республикада минтақаларининг тупроқ-иқлим шароитига мос, совуққа, қурғоқчиликка, иссиққа, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, узоқ сақланадиган, транспортабелли, сифатли ва юқори ҳосилли навларини яратиш борасидаги илмий изланишлар кўламини

кенгайтириш, янги навларни амалиётга кенг жорий этиш, пировардида халқимизни сархил мева-узум ҳамда сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги тадбирларни изчил амалга ошириш белгиланган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ислохотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш имконини берди, пировардида аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга эришилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз нафақат ўз ички талабини қондириш, балки глобал озиқ-овқат дастурига катта ҳиссасини қўшиши ва бошқа давлатларнинг бу борадаги муаммоларини хал этиш салоҳиятига эга давлатлардан бири ҳисобланади.

Ҳукуматимиз саъй-ҳаракатлари натижасида мамлакатимизда сўнгги йилларда илғор хорижий тажрибалар асосида интенсив усулда боғлар барпо этиш, иссиқхоналар ташкил этиш, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун ҳосилдорлиги юқори бўлган уруғлар билан таъминлаш, томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини замонавий музлаткичларда сақлаш, саралаш, уларни қайта ишлаш ва қадоклаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 январдаги “Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси иштирокида “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2014 йил 14 февралдаги “Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари республикамизда боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчилик соҳасига илғор технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқарувчиларни замонавий қишлоқ хўжалиги техника ва жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда самарадорлиги юқори бўлган иссиқхона хўжаликларини ташкил этишга пухта замин яратди.

Бугунги кунга қадар ушбу инвестиция лойиҳалари доирасида ажратилган имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан жами қиймати 38,7 млн АҚШ долларига тенг 350 дан ортиқ бизнес-режалар молиялаштирилди, натижада тадбиркорларимиз томонидан 500 гектардан зиёд майдонда боғ ва тоқзорлар барпо этилди, 112 гектар майдонда иссиқхоналар, 32,8 минг тонна сиғимга эга музлаткичли омборхоналар, қуввати 13,1 минг тонна бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш цехлари ташкил этилди. Шу билан биргаликда, қишлоқ жойларда 1400 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Мева-сабзавотчиликни юқори суратлар билан ривожлантириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 сентябрдаги «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Лойҳанинг умумий қиймати 219,28 млн АҚШ доллари бўлиб, шундан 150,0 млн доллар Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки инвестиция маблағларини ташкил этади.

Мазкур лойиҳа республикамизнинг 9 та ҳудудида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ушбу ҳудудларда 4680 гектар майдонда пакана ва ярим пакана боғлар ва токзорлар барпо этиш, 163 минг тонна сифимга эга музлаткичли омборхоналар ва 180 гектар майдонда энергия тежамкор иссиқхоналар ташкил этиш, қуввати 96 минг тонна бўлган мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш, қадоқлаш ва қайта ишлаш жиҳозларини ўрнатиш ҳамда маҳсус қишлоқ хўжалиги техника ва ускуналари харид қилиш режалаштирилган. Инвестиция лойиҳасини 2021 йилга қадар амалга ошириш белгилаб қўйилган.

Лойиҳа доирасида қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликларида қуйидаги мақсадлар учун имтиёзли кредитлар берилади:

- интенсив боғлар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун ҳосилдорлиги юқори бўлган интенсив кўчатлар ва уруғлар сотиб олиш;
- томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш, интенсив боғлар учун талаб қилинадиган аксессуарлар ва ускуналар харид қилиш;
- эски токзорларни янгилаб янги токзорларни барпо этиш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун совуқхоналар ва музлаткичлар, қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш технологиялари, ички ва ташқи бозорларга сотиш учун талаб қилинадиган айланма маблағлар;
- мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун мини-техника ва технологияларни харид қилиш;
- сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун иссиқхоналар ва боғлар ташкил этиш учун кўчатхоналар барпо этиш ва бошқ.

хўжалиги корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари мазкур лойиҳа доирасида молиялаштирилган бизнес-режалар асосида харид қиладиган ҳамда юртимизга олиб кирадиган техника ва технологиялар, жиҳоз ва ускуналарга қўйиладиган солиқ юкидан, яъни қўшимча қиймат солиғи, божхона ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилинган.

Бундан ташқари, келгусида экспорт ҳажми ва географиясини янада кенгайтириш ҳамда жаҳон тан олган халқаро сифат стандартлари- ни (Global GAP, HACCP) жорий қилиш мақсадида, ушбу лойиҳа доирасида халқаро эксперт мутахассислар жалб қилиниши ва улар иштирокида тадбиркорларга турли ўқув-амалий семинарлари ўтказиш, халқаро ярмаркалар ташкил этиш кузда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида яратилаётган бундай кенг имкониятлар мева-сабзавотчилик тармоғининг янада юксалиши, экспорт ҳажмининг ошиши, деҳқон ва фермер хўжаликларининг молиявий жиҳатдан мустаҳкамланиши билан биргаликда юртимизда мўл-кўлчилик янада ортишини таъминлайди.

Умуман олганда, 2015 йилда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиши борасида амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар ҳамда деҳқон ва фермерларнинг фидокорона меҳнати натижасида далаларимиздан 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилди. Бошқа турдаги экинлардан ҳам мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга эришилди. Буларнинг барчаси пировардида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг суръатини 2014 йилга нисбатан қарийб 7 фоизга ўсишини таъминлади.

ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ислохотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш имконини берди, пировардида аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга эришилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз нафақат ўз ички талабини қондириш, балки глобал озиқ-овқат дастурига катта ҳиссасини қўшиши ва бошқа давлатларнинг бу борадаги муаммоларини ҳал этиш салоҳиятига эга давлатлардан бири ҳисобланади.

Ҳукуматимиз саъй-ҳаракатлари натижасида мамлакатимизда сўнгги йилларда илғор хорижий тажрибалар асосида интенсив усулда боғлар барпо этиш, иссиқхоналар ташкил этиш, сабзаот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун ҳосилдорлиги юқори бўлган уруғлар билан таъминлаш, томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш, мева-сабзаот маҳсулотларини замонавий музлаткичларда сақлаш, саралаш, уларни қайта ишлаш ва кадоқлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамиз бўйича 9,8 минг гектар (2014 йилга нисбатан 176%) пакана ва ярим пакана интенсив боғлар ва 9,9 минг гектар (109%) янги токзорлар барпо этилиб, 12,3 минг гектар (296%) боғ ва 7,5 минг гектар (123%) токзорлар реконструкция қилинди. Шунингдек, 451 гектар майдонда иссиқхоналар қурилди, 181 та 102,8 минг тонна ҳажмли музлаткичли-омборхоналар, 246 та 315,7 минг тонна қувватга эга қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди. Бундан ташқари, аҳоли хонадонларида 154 гектар майдонда енгил конструкцияли иссиқхоналар барпо этилди.

Соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ва яратилган имкониятлар, берилган имтиёزلардан унумли фойдаланган деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 2015 йилда республикамиз бўйича 10 млн 128,1 минг тонна (2014 йилга нисбатан 109,1 фоиз) сабзаот, 1 млн 853,1 минг тонна (109,3%) полиз, 2 млн 696,7 минг тонна (110%) картошка, 2 млн 746,2 минг тонна (110,3%) мева ва 1 млн 579 минг тонна (109,6%) узум маҳсулотлари етиштиришга эришилди.

Бошқача қилиб айтганда, 2015 йилда аҳоли жон бошига йиллик ўртача 320 кг сабзаот (тиббий меъёрга нисбатан 2,8 марта кўп), 85,3 кг картошка (1,5 марта), 58,6 кг полиз (2,2 марта), 86,8 кг мева (1,2 марта) ва 49,9 кг узум (3,3 марта) маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Юқоридаги имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида қуйидаги йўналишлардаги ишларни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- мевачилик, узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари мутахассисларининг билими, савияси ва малакасини ошириш;
- жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий технологияларга асосланган янги қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш, мавжудларини техник янгилаш ва модернизациялаш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш;
- хўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган хўжалик субъектларининг ишида юзага келадиган ташкилий муаммоларни бартараф этиш ҳамда имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш;
- ички ва ташқи бозорларни ўрғанувчи маркетинг хизматларини ривожлантириш;
- мева-сабзавотларни сақлашга ихтисослашган совутиш камералари ва махсус омборхоналар тармоғини ҳамда сиғимини кенгайтириш.

Қайта ишлаш соҳаларининг ривожланишига, уларнинг технологик модернизация қилиш жараёнига маҳсулот етиштирувчилар билан муносабатлари бевосита таъсир кўрсатиб, маҳсулот етиштирувчилар ва қайта ишлаш тармоғи маъсуляти ва мажбуриятларини қай даражада бажаришига, ўзаро ишончга боғлиқ бўлиб қолади. Замонавий технологиялар билан қуролланган аммо, ҳом ашё билан ўз вақтида таъминланмаган корхонада самарадорлик паст бўлиб, технологияларни ривожлантиришдан манфаатдорликни ҳис қилмайдилар. Ва аксинча маҳсулот етиштирувчиларнинг ўз вақтида ҳом ашё билан таъминлаши, фойдани максималлаштириш мақсадида замонавий технологияларни жалб қилишга ундайдиган омил саналади.

Мамлакатда яратилган инновацион муҳит замонавий, янгиликларнинг, ихтироларнинг яратилишини молиялаштириш ҳолати қайта ишлаш соҳаларига ҳам бевосита таъсир кўрсатиб, мамлакат ҳудудидаги инновацион лойиҳаларни молиялаштириш орқали технологик модернизациялаш имкониятини пайдо қиладди.

Жумладан узумни қайта ишлаш соҳасида моддий техник базасини ҳамда технологияларини модернизация қилиш замон талаблари даражасида узумчилик маҳсулотларини (вино, ароқ, каняк...) ишлаб чиқаришни, уларнинг ички талаб ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишни таъмин этади.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишловчи соҳалар қуйидагилардан иборат бўлиб, ҳар бирининг ривожланиш даражаси, моддий техник базаси, технологик модернизация қилиш тажриба ва амалий қадамлари ҳамда ҳар бирига яратиб берилган имкониятлар турличадир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар қуйидагилардан иборат:

- пахта тозлаш заводлари;
- консерва заводлари (балиқ, гўшт);
- пиллани қайта ишлаш фабрикалари;
- сут ва гўштни қайта ишлаш корхоналари;
- Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари;

- мава шарбатлари, вино, коньяк каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи заводлар;
- жунни, каношни қайта ишлаш корхоналари;
- шакар ишлаб чиқарувчи корхоналар;
- тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари;
- озиқ-овқат саноати;
- терини қайта ишлаш корхоналари;
- ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари;
- пахтадан трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва бошқалар кирди.

Мамлакатимиз шароитида узум маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш технологиялари базаси яратилган бўлиб, экспорт имкониятлари кенглиги, тармоқда таъсир этувчи барча омиллардан самарали фойдаланган ҳолда маҳсулотни диверсификация қилиш имкониятлари яратилган.

Аммо бугунги кунда узум ва узумчилик маҳсулотларини фақатгина МДХ мамлакатларига экспорт қилинаётганлиги, мавжуд узум боғларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг 30-40 % товарлилик даражасини йўқолиб бораётганлиги, соҳада замонавий технологиялар ёрдамида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда барча узум маҳсулотини қайта ишлашни йўлга қўйиш талаб этилади.

Хулоса қилиб, айтганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини технологик модернизация қилиш жараёни иқтисодий тузулмалар ўзгаришининг жадал кечаётган ҳозирги шароитда муҳим амалий масала ҳисобланиб, бундай фаолиятларни давлат қўллаб қувватлаш дастаклари ёрдамида амалга ошириш, технологик модернизация қилиш жараёнига таъсир этадиган омилларнинг бирортасига таъсир этиш орқали замин яратиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалиги корхоналарида пахтачилик ҳамда узумчилик соҳасини иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда сифатли маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш жараёнларида шаклланаётган ташкилий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, моддий техник базасини юксалтириш масаласини асосий вазифалар қаторига олиб чиқиш долзарб вазифадир.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида яратилаётган бундай кенг имкониятлар мева-сабзавотчилик тармоғининг янада юксалиши, экспорт ҳажмининг ошиши, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг молиявий жиҳатдан мустақамланиши билан биргаликда юртимизда мўл-кўлчилик янада ортишини таъминлайди.

Умуман олганда, 2015 йилда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиши борасида амалга оширилган кенг қўламли тадбирлар ҳамда деҳқон ва фермерларнинг фидокорона меҳнати натижасида далаларимиздан 7 миллион

500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилди. Бошқа турдаги экинлардан ҳам мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга эришилди. Буларнинг барчаси пировардида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг суръатини 2014 йилга нисбатан қарийб 7 фоизга ўсишини таъминлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунлар, меъерий ҳужжатлар ва Президент асарлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –40 б.
2. «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 1997 йил. март.
3. «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3342 сонли фармони. 2003 йил 27 октябр, Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами. -2003. -№ 20.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3709-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-255-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
8. «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1994 йил 23 феврал. «Халқ сўзи» газетаси 1994 йил 24 феврал.
9. «Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24-сонли қарори. 13.01 1997 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3709-сон Фармони. Халқ сўси газетаси 10 январ 2006 й.
11. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори.** “Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2015 йил 28 август, 249-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2016 йил 12 апрель, ПҚ-2520-сон
13. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишининг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17

йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигиниянада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -80 б.

17. Каримов И.А. Мамлакатимизда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.

18. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

19. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

20. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

21. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

22. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

23. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

24. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.

25. Каримов И.А. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2014 йил 7 июнь.

26. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш –энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015

27. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил

2. Илмий адабиётлар ва манбалар

28. Газибеков Д.Г. «Инвестицияларни молиялаштириш масалалари» -Т.: 2003.

29. Дадабоев.Т., Раҳматуллаев Б. Боғдорчиликда агрофирмалар фаолияти. // Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –2006. -№ 8. –Б.

30. Султонов.Б., Дадобоев.Т. Маҳсулотларни сотиш тизими. // Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 2006. -№9. –Б. 11.

31. Минасов М. Стратегия устойчивого развития агропромўшленного комплекса. // АПК: Экономика и управление, 2004 №9. 7 б.

32. Пошкус Б. Сельскохозяйственная кооперация в условиях многоукладной экономики АПК. // АПК: Экономика и управление, 1996. №8. 22-24 б.

33. Фролов В.И. Новая модель интеграции в действии. Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2000. №1. 46-48 б.

34. Файзиев.А Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. Самарқанд.2004 йил.

35. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.Дарслик.Т.Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти.2006 йил. 288т бет.

36. Умурзақов Ў ва бошқ. Фермер хўжалиги иқтисодиёти.Ўқу қўлланма. Тошкент. “Молия иқтисодиёт” 2007 йил. 276 бет.

37. Исмоилов А, Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент. 2005 йил.

38. Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибадорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари. / Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон.

3. Статистик маълумотлар

39. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши // Статистик тўплам. 2014.

40. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши // Статистик тўплам. 2015.

41. Норин тумани паспорти. 2015 йил

4. Интернет материаллари

42. www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти.

43. www.ceep.uz.- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.

44. www.bearingpoint.uz.- USAID Bearingpoint Uzbekistan Economic Reform.

45. www.internetindicators.com.- Иқтисодий индикаторлар интернет веб-сайти.

46. www.xs.uz.- Халқ сўзи газетасининг расмий сайти.

47. www.google.com.- Халқаро қидирув портали